

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ  
ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ТАРИХ ИНСТИТУТИ

---

Р. НАБИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ЧЕТ ЭЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА  
ҚАРШИ КУРАШИ

(Эпизодлар)

---

ЎзФАН НАШРИЁТИ  
7 ОШКЕНТ — 1942

Р. НАБИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ЧЕТ ЭЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА  
ҚАРШИ КУРАШИ

(Эпизодлар)

Мас'ул муҳаррир *З. Ражабов*

---

Р6772. Босишга ижозат берилди 22/VI—1942 й. Тиражи 3.500 Автор  
листи 3,2. Босма листи 1,8. Бир босма листда 36000 ҳарф.  
Баҳоси 2 сўм 25 тийин.

---

Тошкент. ЎзФАН Нашриёти босмаҳонаси—1942. Заказ № 211

## АВТОРДАН

Буюк Совет Иттифоқининг халқлари ўз озодлиги йўлида гитлерчи босқинчиларга қарши адолатли ва кескин кураш олиб бормоқдалар. Қаҳрамон большевиклар партияси ва жонажон доҳиймиз ўртоқ Сталин бу Улуғ Ватан урушига раҳбарлик қилиб, совет халқини, унинг шавкатли Қизил Армиясини, Ҳарбий-Денгиз Флотини ва авиациясини қонхўр ва разил фашист ғалалари устидан ғалаба қилишга бошлаб бормоқдалар. Бутун совет халқлари, шулар қаторида Ўзбекистон халқлари ҳам фашизми ер юзидан батамом супуриб ташлаш учун бор кучи билан кураш олиб бормоқдалар. Ўзбекистоннинг урушда қаҳрамонлик кўрсатган фарзандлари—Совет Иттифоқи қаҳрамони Қўчқор Турдиев, Қурбон Умаров, Рўзимат Усмонов сингари ватанпарвар йигитларимиз Совет Иттифоқининг барча халқларига танилдилар.

Совет кишиларининг қаҳрамонлиги таваккалчиликдан иборат эмас, чунки большевиклар партияси бизни даядил ва хуш'ёр бўлишга, имкониятларимизни аниқ ҳисобга олиб туриб, пухта иш қилишга ўргатган. Узоқ ўтмишдаги озод ва ҳурриятпарвар ота-боболаримизнинг муносиб авлоди бўлган Қўчқор Турдиев сингари қаҳрамонлар таваккалчилик билан эмас, балки зеҳн ва пухталикка ўз фидокорлик ва ижодларини қўшиб иш кўрадилар. Ўтмишдаги халқ қаҳрамонлиги намуналарини бундай қаҳрамонларимиз ижобий традиция қилиб оладилар.

Совет халқлари ўтган замонларда чет эл истилочиларига қарши тинмай қаҳрамонона курашиб келганлар. Ўртоқ Сталин 1941 йил 7 ноябрь куни—Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 24 йиллиги кунида сўз-

лаган нутқида: „Сиз олиб бораётган уруш—озодлик урушидир, адолатли урушидир. Александр Невский, Димитрий Донской, Кузьма Минин, Димитрий Пожарский, Александр Суворов, Михаил Кутузов каби улуғ боболаримизнинг қаҳрамонона образлари бу урушда сизни илҳомлантирсин. Улуғ Лениннинг зафарли байроғи сизга мададкор бўлсин!“ деган эди.

Мана бу сўзлар бизни ўтмишимиздан ўрнак олиб курашишга да'ват қиладиган чақириқдир.

Ўзбекистон халқлари ўзининг узоқ тарихи давомида ички ва ташқи эксплуататорлар билан курашиб келган. Халқимиз четдан келган босқинчиларга қарши курашларда ота-боболарининг мардлигини, фидокорлигини ўзида сақлаб, душманларни енгиб келди.

„Ўзбекистон халқи бир вақтлар жаҳоннинг илғор халқларидан эди. Унинг бой маданияти бор бўлиб, бу маданият ўз қўшниси бўлган улуғ халқлар ва маданиятлар та'сири билан суғорилган эди. Бу халқ Юнонистон, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг қадимги маданиятларининг умумий ҳаёти билан бирга яшаган. У, бирлашган жаҳон маданиятини яратишда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашган.

Гуллаб турган воҳаларни Азиянинг қақраган қумлари кўмиб кетганидек, шарқ феодализи, кейинчалик капиталистик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсати халқнинг бой ижодиётини дин ва миллатчилик зулмининг қора чодирлари остига буркаб ташлади. Бу қадимги маданият турғунликда қолди. Буржуа назарияси бу эски маданий халқнинг сан'атига ўлим муҳрини босиб, шарқни ҳаракатсизлик ва турғунлик ҳукм сурган мамлакат деб э'лон қилди.<sup>1</sup>

Революциядан илгари чор Русиясининг қолақ мустамлака халқларига айлантирилган Ўзбекистон халқлари Совет ҳукуматининг 24 йилдан ортиқ даврида иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан мислсиз тараққиётга эришди. Ленин-Сталин партияси раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг яқиндан қилган ёрдами билан мустамлака қуллигини ўз устидан иргитиб ташлаб, шакли миллий, мазмуни социалистик маданиятини юксалтирди. Ўзбекистон халқи, ўзининг ўсиб бораётган социалистик қурилишларида, ривожланган ишлабчиқаришнинг ҳам-

<sup>1</sup> „Правда“, 27/V—1937.

ма соҳаларида мингларча меҳнат қаҳрамонларини, донгдор кишиларни етиштирди.

Мана шундай буюк ғалабаларга эришган ўзбек халқи ўзининг озод, ҳур турмушининг поймол бўлишига, халқлар дўстлигининг бузилишига, фашизмнинг зулми остида эзилишига, маданий ҳаётнинг тор-мор келтирилишига қарши курашда ўзининг қаҳрамонона ўтмишига қайрилиб қарайди, ундаги ижобий намуналардан, умум кишилиқ манфаати йўлида давом этаётган урушда мадад ва илҳом олади. Шубҳасиз, Буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини сақлаб қолади. Герман фашизмнинг босқинчилик ва озод халқларни қайтадан қулликка тушуриш мақсадларида бошлаган ҳужумларини СССР нинг бошқа халқлари билан бирга Буюк Коммунистлар партияси ва ўртоқ Сталин раҳбарлигида даф' этади ва душманни узул-кесил тор-мор келтиради.

---

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЮНОН-МАКЕДОНИЯЛИЛАР ҲУЖУМИГА ҚАРШИ КУРАШИ

Ҳозирги Ўзбекистон территорияси Совет Иттифоқидаги жуда эски, қадимий районлардандир. Эрамиздан бирнеча асрлар илгари Суғдада Окс (Амудар'ё) билан Яксарт (Сирдар'ё) ораларидаги ерларда ўтроқ ва кўчманчи аҳоли яшар эди. Суғдлилар қозиб чиқарилган ариқларнинг суви билан ер суғориш усулини майдонга келтирган ва бу усулни яхши йўлга қўйган эдилар. Эронийларнинг қадимги муқаддас китобларида,<sup>1</sup> Суғднинг бой, гуллаган мамлакат экани кўрсатилади. У вақтлари бу ўлкада суғдлилар билан бир қаторда бошқа кўпсонли кўчманчи ва ўтроқ халқ ҳам яшаган. Жумладан, хоразмдилар ҳозирги Хоразмда, кўчманчи массагетлар Орол денгизи бўйларида (кўпинча Қизилқумда), саклар Яксарт дар'ёсининг ўнг қирғоқларида, бахтриялилар ҳозирги Афғонистон ва Тожикистоннинг жанубий томонларида яшар эдилар. Чорвачилик районлари билан деҳқончилик районлари ўртасида савдо муносабатлари бўлган. У чоқларда кўпгина шаҳарлар вужудга келган бўлиб, уларда асосан қишлоқ аристократлари, сўнгра хунармандлар ва савдогарлар яшарди.

Бу шаҳарлар ичида, Суғд вилоятининг пойтахти Мараканда (ҳозирги Самарқанд) билан Бахтрия вилоятларининг пойтахти Бахтрия (Балх) жуда катта шўҳрат қозонган эди.

Археология қозилмалари асосида йиғилган малумотлар, қадимги Суғдиёнанинг маданиятда анча илғор бўлганини, унда кучли ижтимоий тараққиёт процесси давом этганини кўрсатмоқда.

---

<sup>1</sup> Авестада.

Эрамиздан бурунги VI аср ўрталарида, Урта Осиёнинг мана шундай районларига ҳорижий истилочиларнинг қўшинлари юрабошлади. Булар—форс қўшини эди. VI аср ўрталарида Эронда қудратли форс давлати майдонга келди. Аҳмонийлар хонадонидан чиқиб, форслар салтанатини барпо қилган Кайхисрав Эрон, Месопатамия, Сурия, Паластин ва Кичик Осиёни ўзига бўйсундирди.

Кайхисрав қўшини—енгилмас қўшин деб ҳисобланар эди. У ғарбда катта ғалабаларга эришгач, Урта Осиё устига юриш қилиб келиб, бу ерда ҳалокатга учради. Оксдан ўтиб, массагетларга жужум қилган Кайхисрав, турли макр ва ҳийлалар блангина, бу қабиланинг олдинги отрядларини енгаолди. Лекин, кейинроқ макр ҳам унга фойда бермади. Эркин ҳаётга ўч бўлган массагетлар, бу келгинди истилочига қаттиқ зарба бердилар. Улар шиддатли жангда, Кайхисрав қўшинини тор-мор келтирдилар ва унинг ўзини ўлдирдилар. Лекин қудратли форс давлати Урта Осиёдаги уруғларнинг тарқоқлигидан фойдаланиб, буларни ўзига қаратиб олди. Аммо Урта Осиё халқлари форсларнинг ҳукмронлигига рози бўлиб қолабермадилар. Улар фақат фурсати келгунчагина ўч олиш истагини ичда сақладилар.

Урта Осиёда форс ҳукмронлиги икки юз йил давом этди. Бу давр ичида ерли халқлар, ташқи душман зулмидан озод бўлиш учун, кўп ҳаракат қилдилар. Бунинг натижасида, Хоразм мустақил бир мамлакат бўлиб кетди. Форс давлатига тоби' бўлган кўчманчи сақлар эса, унинг иттифоқчисига айландилар.

Эрамиздан 344 йил илгари бўшашиб бораётган форс давлатининг ўзи ҳам чет истилочилар ҳужумига учради. Бу даврда Болқон ярим оролида кучли Юнон-Македония давлати майдонга келди. Македония қўшини форслар қўшинига қараганда жуда ҳам яхши қуролланган ва ўша замоннинг олдинги техникаси блан бойитилган эди.

Бу ерда шунини айтиш керакки, форс қўшини турли халқлардан иборат бўлиб, булар урушга мажбуран тортилган ва турлича қуролланган эдилар. Бахтриялиларда ҳали ҳам қиличли аравалар ишлатилар эди. Македония қўшини эса, бутунлай бошқача қуролланган эди. Македония қўшинининг катта қуроли узун найза-



лардан иборат эди. Булардан бошқа, македониялиларда манжаниқ ва саркўп каби ҳарбий машиналар ҳам бор эди. Бу қўшиннинг бошида жанговар аскарбошлиқлари ва талантли саркарда—Македония подшоҳи Александр (Искандар) турар эди. Бу истилочилар беш йил давомида Ўрта Осиёнинг форс давлатига қарашли бошқа ерларини забт этдилар.

Охирги форс подшоҳи Доро Кодоман Ўрта Осиёга қайтиб, бу ернинг ҳарбий кучига таяниб, македониялиларга қарши урушни давом этдириш ниятида эди. Лекин суғдлилар блан бахтриялилар, ўзларини ўша вақтгача эзиб келган золимлар ҳукмронлигининг тикланиши учун урушни хоҳламас эдилар. Улар урушни олиб боришга тайёр турарди, лекин бу форс подшоҳининг хурсандлиги учун эмас, балки ўз озодликлари ва мустақилликлари учун эди. Доро Кодоманни бахтрияли Бесс улдирди. Бесс ҳам, Александрга қарши қўзғолон кўтарган Спитамен ҳам форслар учун эмас, балки ўз эркинликлари учун, Македония аскарларига қарши курашишга қарор берди.

329 йилда Александр қўшини Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб, Ўрта Осиё<sup>1</sup> текисликларини ишғол қилди. Александр Бахтрияни олиб, Оксга қараб юрди. Александрнинг яқинлашганини билган Бесс, Амудар'ёдан ўтиб, ўз кemasини ёндириб юборди ва Навқат<sup>2</sup> қишлоғига келади.

Окс жуда кенг, унинг чуқурлиги ҳар қадамда ўзгаради, тегида қалин қум қатлами бор. Мана бунинг натижасида, ундан кечув орқали ўтиб бўлмайди. Дар'ёнинг яқин атрофларида ёғоч бўлмаган. Шунинг учун ҳам, унда кўприк қуриш, ёки кема ясаш жуда қийин бўлган.

Натижада Македония аскарлари Александр фармони блан, чодирларига (палаткаларига) ишлатиладиган терилардан мешлар ясаб, шулар воситаси блан 5 кун ичида дар'ёдан ўтадилар. Александр, юқорида айтилган Навқат қишлоғида, Бессни асир қилиб олди, чунки Бесс, форс ҳукумати каби, подшоҳликни тиклашга ин-

<sup>1</sup> Амудар'ёнинг чап томонидаги Бахтриянинг тарихи, дар'ёнинг унги томонидаги вилоятлар блан жуда боғлиқ бўлгани учун, кўп тарихчилар у ерни ҳам Ўрта Осиёга қўшадилар.

<sup>2</sup> Навқат—Кашқадар'ё водисида, Қарши блан Шаҳрисабз орасида бўлган бир қишлоқ.

тилгани учун эркин яшовчи бахтриялилар ва суғдлилар орасида бўлган иттифоқчиларидан мадад ололмади.

Шу йилнинг ўзида. Александр Урта Осиёнинг жанубий районларини Яксартгача забт этади. Бу давр тарихини баён этган манба'лар—юнонлиларнинг ўзлари қолдирган малумотлардан иборат бўлиб, улар асосан Александрнинг ҳарбий ютуқларини, Македония аскарларининг қаҳрамонлигини мақташ билан чекланади. Шундай бўлса-да, бу Юнон авторлар, маҳаллий халқнинг Македония аскарларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлигини яшириб ўтаолмаганлар. Бу нарса, бирор ҳодиса-воқияни баён этганларида, воқиянинг боришидан ҳам очиқ кўриниб туради. Александрнинг Яксарт бўйига қадар боргани ва йўлда маҳаллий халқнинг қандай қаршиликларига учрагани ҳақида юқорида қадим замоннинг авторлари (Арриан, Квинт Курций ва бошқалар) лом-мим демайди. Александр Яксарт бўйларида ва унга яқин ерларда 7 шаҳарни олади. Булар ичидан Александр аскарларига жуда ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатгани ҳозирги Уратепа ёнида бўлган Кирополь шаҳри эди. Александр қўшинининг махсус бир қисмини Кратер қўл остида Киропольга юбориб, ўзи қолган аскарлари билан бошқа шаҳарларни забт этишга жўнади. Лекин, Киропольга борган Македония аскарлари кутганларича иш қилаолмадилар. Кирополь, уз замонининг бошқа шаҳарларига қараганда, жуда ҳам мустаҳкамланган, баланд ва қалин деворлар билан ўралган шаҳар эди. Унда ёлғиз шаҳар аҳолиси эмас, балки шаҳарнинг узоқ атрофларидан ҳам истилочиларга қарши урушиш мақсадида бу шаҳарга кўп курашчилар йиғилган эди. Шунинг учун ҳам бу азамат қўрғондаги қаҳрамон курашчиларга баробар келиш македониялиларга ғоятда қийин бўлди ва улар голибият қозонишларига ишонмай қолдилар. Ниҳоят, Александр ҳужумидан ғазабланган Киропольдаги халқнинг фидокорона ҳаракати, Урта Осиёдаги бутун Македония аскарларини бу енгилмас қўрғон атрофига йиғилишга мажбур этди. Александрнинг илгари юборилган аскарлари қўрғонга яқинлашаолмай, Александрнинг келишини кутдилар. Александр ва бутун Македония аскарлари йиғилгандан кейин, қўрғонни девор бузар машиналар билан хароб қилиб, шаҳарни штурм билан забт қилмоқчи бўладилар. Лекин ватан ва озодлик учун курашувчилар бунга им-

кон бермадилар. Болқон ярим оролидан бошлаб, Сугд вилоятигача кетма-кет ғалабаларга эришиб келган Александр бу ҳолатни кўргач, боши қотади ва қандай бўлмасин бирор макр ва ҳийла излашга уринади. Мудофаачилар бино қилган қаттиқ-пишиқ истеҳкомни ўзининг илғор техникаси блан ололмаган Македония аскарлари, қал'адан қор ва ёмғир сувлари чиқиб кетадиган ва мудофаачиларнинг кўзи тушмаган қуруқ бир ариқни топиб, шу ариқ орқали шаҳарга киришга муваффақ бўладилар.

Македония аскарлари шаҳарга бутунлай киргандан сўнг ҳам қал'а ичидаги маҳаллий халқ таслим бўлмай, урушни охиригача давом этдиради. Мана бу ҳақда, ўша замон тарихи учун биринчи манба' ҳисобланган Арриан, бундай малумот қолдиради: „Шаҳарнинг забт этилишини кўргандан кейин ҳам, ваҳшийлар бунга қарамай, Александр отрядига қаршилик кўрсатдилар. Жуда қизғин жанг бўлди...“ Шаҳар кўчаларида бўлган бу урушда Македония аскарларидан беҳад киши ўлди. Александрнинг ўзи ярадор бўлди. Маҳаллий халқдан саккиз минг киши ўлиб, шаҳарга тўпланган 18 минг ботир урушчилардан қолган 10 минги, шаҳар аркига кириб, урушни давом этдирдилар. Ўрта Осиёнинг қуруқ ва иссиқ кунларида, қаттиқ урушлардан сўнг, булар сувсиз қолганларидагина, мажбурийат орқасида таслим бўлдилар. Алексадр шаҳардаги бутун кишиларни ўлдиришга ва кишанлаб ташлашга, шаҳарни хароб қилишга фармон беради. Шаҳарнинг нақадар қаттиқ қаршилик кўрсатганини Квинт Курций бундай ифодалайди: „... ҳеч-бир шаҳар бу каби қаршилик кўрсатмади, солдатлар ҳам тез қирилди, подшоҳнинг ўз баданига ҳам тошнинг зарби тегиб, ўлим хавфига тушиб қолди“.

Александр шу замоннинг ўзидаёқ, Сугдиёнанинг юраги бўлган Маракандада катта қўзғолон кўтарилгани ҳақида хабар олади ва дарҳол бунга қарши Менедем қўл остида 3.000 пиёда ва 800 отлиқ аскар юборади. Бу қўзғолонга раҳбарлик қилган киши—Бахтрияга Александр ҳужум қилган чоқларидан бери унга қарши курашиб келган Спитамен эди. Қўзғолончилар Маракандани қамалга олиб, македониялиларнинг шаҳардаги гарнизонини оғир аҳволга тушириб қўйдилар. Шу вақтда Спитамен Александрнинг Мараканда гарнизонига ёрдамга юборган аскарининг шаҳарга яқинлашганини

эшитиб, ўз одамлари блан Зарафшон бўйларидаги тўқайларга яширинади ва шу орада кўчманчи скифлардан мадад учун 600 отлик киши олади. Македония аскарлари Зарафшон устига келганда, булар тўқайлардан чиқиб, Александр аскарларини ўраб оладилар. Александр аскарлари Зарафшоннинг кичик бир оролига жойлашадилар. Спитамен жангчилари буларни бутунлай қириб ташлайди. Душманнинг қолган озгина аскарларини асир қилиб олиб, уларни ҳам қириб ташлайдилар.

Шундай қилиб, қўзғолонни бостириш учун махсус юборилган Македония аскарлари тор-мор келтирилади. Бу воқиа ҳақида малумот берган авторлардан Квинт Курций қўзғолонни бостиришга келган Македония аскарларининг аҳволини мана шундай деб тасвирлайди: „Подшоҳ Бахтриядан қочган айбдор Спитаменга қарши Менедемни юборди. У (Спитамен), яшириниб туриш учун қулай тўқайли йўлда дайиларни йиғди. Улар отларга икки кицилашиб минишган эди... Ва уларнинг сур'ати одамларнинг макрига ухшарди. Спитамен уларга, тўқайни ўраб олиб, душманга ҳам қанотдан, ҳам фронтдан, ҳам орқадан ҳужум қилишни буюрди... Ҳар томондан ўраб олинган Менедем, ўзини кўп мудофаа этди, лекин охирда ерга йиқилди. Жангда икки минг пиёда ва 300 отлик аскар ҳалок бўлди“.

Ғолиб бўлиб келган Македония аскарларининг бу ҳолга тушуви Александрни шунчалик шошириб қўядики, у уч кун ичида бутун аскарлари блан Яксарт бўйларидан Маракандага етиб келади. Спитамен эса, бу кучга қарши урушиш ҳалокатга олиб боришини олдиндан билиб яширинди ва яна бирқанча вақтларгача курашни давом этдиришга муваффақ бўлди.

Александр келиб, қўзғолончилар томонидан ўлдирилган беҳад Македония аскарларини мумкин бўлганича кўмишга фармон беради. Қўзғолончиларни чўлларгача қидириб боради. У, мамлақатни хароб қилиб, қўлга тушган қўзғолончиларни бутунлай қириб ташлайди. Шу тартибда бутун Зарафшон (Политмет) водисини кезиб чиқади. Квинт Курций малумотига кўра, иккинчи бир навбатда, қўзғолончи суғдлиларни сурштириб, 120.000 кишини ўлдиради. Александрнинг ҳужумига қарши Суғд аҳолисининг битта ҳам қолмай кураш байроғи остида тўпланганлиги ана шу фактлардан кў-

риниб туради. Бу ҳаракат бутун дун'ёга донги чиққан ва суғдиёнани бир марта қўлга олиб, шаҳарларига гарнизон қўйиб кетган Александрни қаттиқ ларзага келтирди ва унинг ҳукмронлигини бир марта тор-мор қилган эди.

Эрамиздан илгариги 328-нчи йилнинг баҳорида Александрга Суғдиёнанинг яна бош кўтарганлиги ҳақида хабар етади. Қўзғолон бутун мамлакатга ёйилади. Аҳолининг бир қисми енгилмас истехкомларга яширинади, яна бир қисми отряд-отряд бўлиб истилочиларга қарши урушиб юради. Александр аскарларини беш отрядга бўлиб, яна Суғдиёнанинг турли районларига юриш бошлайди. Қаттиқ ва қонли кураш бошланади. Толмас Спитамен, Александрнинг Бахтрия (Балх) яқинида жойлашган лагерига ҳужум қилиб, чет эл истилочиларига кўп қаттиқ зарбалар беради.

Мана шулардан кейин Александр Суғдиёнани қурол кучи билан ўзига итоат этдиришдан умидини узади. У, бу йўлда бошқа чоралар излайди. Александр қўзғолончилар лагерига юқори мансабларда турган Суғд аристократиясини ўз томонига тортишга ҳаракат қилади. Александр томонидан қилинган ажойиб ва'далар, Ўрта Осиёнинг бир тўда аристократиясини қизиқтира бошлайди. Аристократлар секин-секин босқинчилар лагерига ўта бошлайди. Бу процесс қўзғолон бошлиғи Спитаменни Александрга ушлаб бериш билан бошланади. Александр томонига ўтаётган аристократлар қаторида, Спитаменнинг хотини ҳам бор эди. У, эри Спитаменни Александрга таслим бўлишга мажбур этганида, бу ишга қаттиқ киришган Спитамен ташқи душманга бош эгишни истамаган эди. У, ҳарқандай қилиб бўлса ҳам, курашни давом этдиришга тиришди. Мана шундан кейин, Спитамен атрофида булган ва энди Александрга ён бера бошлаган аристократлар унинг бошини олиб бориб, Александр билан ярашишга муваффақ бўладилар. Лекин бу процесс ўшандан кейин ҳам давом этди.

Македония аскарларининг орқасида учинчи катта бир ҳаракат, Тожикистон тоғларида кўтарилиб, бу ҳаракат ҳам Александр аскарларига қаттиқ зарбалар етказди. Македониялилар билан Тожикистондаги тоғ халқлари ўртасида жуда ҳам қонли тўқинишлар бўлиб ўтган. Бу ҳаракатнинг бошида Катан ва Австан номли кишилар турган. Бу ҳаракат фақат Александрнинг

Ўрта Осиёдан қайтиб кетиш йили—327-нчи йилда, қўмондон Кратер қўл остидаги аскарлар томонидан катта қурбонлар баробарига бостирилди.

Яксартнинг ўнг томонидаги скифлар (саклар) ҳам Македония аскарларига кўп қаршилик кўрсатдилар. Тарихий манба'лар, дар'ёнинг ўнг томонида ҳам бир-неча километргача Александрнинг скифлар блан урушиб борганини кўрсатади, лекин дар'ёнинг ўнг томони Александрга тоби' бўлмаган. Кўчманчи скифлар бошдан ҳам ўз мамлакатларини мудофаа қилишга қаттиқ тиришган эдилар. Ҳали Александр бутун аскарларини дар'ё бўйига йиғиб, ундан ўтишга тайёр бўлиб турган вақтида, скифларнинг йигирма кишидан иборат элчи хай'ати келиб, Александрга бундай дейди: „... Сен Лидияни, Сурияни, Форсни ва Бахтрияни олдинг, энди бизнинг чорваларимизга очкўзлик блан тўймас қўлларингни чўзасан. Бахтрия устидаги ҳукмронлигинг сенга етарли эмасми? Сен уни забт этгунча, суғддилар урушабошладилар. Уруш сенинг ғалабаларингдан туғилмоқда... Танаид (Сирдар'ё) дангина ўтиб қарасанг, ҳамма ёқни скифлар тутиб ётганини, сен буларни сра ҳам қўлга киритаолмаслигингни биласан... Бизнинг Осиё ва Европа посбони эканлигимизни кўрасан. Агар ўртада Танаид бўлмаса эди, биз Бахтрия блан чегарадош бўлар эдик; Танаиднинг нариги томонида биз фракиягача бориб етамиз, Фракция эса, Македония блан қўшни экани малум. Яхшилаб мулоҳаза қил! Сен бизнинг душманлигимизни истайсанми, дўстлигимизними?“

Катта куч блан ҳужумга тайёр бўлиб турган буюк Александрга нисбатан қилинган бундай жасурона муомала, Ўрта Осиё скифлари (саклари) нинг истилочиларга қарши қандай ғазаб ва нафрат блан бош кўтарганлигини очиқ кўрсатади. Тарихий манба'ларнинг берган малумотларига кўра, Македония аскарлари, Ўрта Осиёнинг ҳарбир қал'асини ғоятда қаттиқ урушлар блан забт этганлар. Бу қал'аларнинг аҳолиси, ўз кучларига ва енгилмас истехкомларига шубҳасиз ишонган эди. Александр 327-нчи йилнинг кўкلاميда чиқиш блан, Суғдиёнанинг энг мустаҳкам бир қўрғони устига юриш қилади. Бартольд малумотларига қараганда, бу истехком Хисорга яқин ерларда экан ва у ғоятда баланд ва мустаҳкам бўлган. Бу ерга кўп суғддилар йиғилган. Ҳатто, бу ерга Бахтрия ҳукмрони Оксартнинг хоти-

ни ва қизлари ҳам жойлаштирилган. Қал'ага жуда кўп озиқ-овқат жамғарилган. Бу ҳайбатли қўрғон ва унинг мудофааси Александрни қаттиқ ташвишга солган. Шунинг учун ҳам Македония аскарлари мудофаачиларнинг таслим бўлишларини кўп марталаб сўрайдилар. Лекин қал'а ичидаги ватанпарварлар бу суроққа қаҳ-қаҳлаб кулиб: „Олдин Александр бу истеҳкомга чиқаоладиган қанотли аскарлар топиб келсин, биз оддий кишилардан қўрқмаймиз“,—деб жавоб қайтарганлар. Сўнгра Александр, жуда қийинчилик блан бўлса-да, қал'ага ҳужум қилишга мажбур бўлади. Македониянинг илгари баланд қал'аларга чиқиб юрган тажрибакор аскарларидан 300 таси михлар (қозиқлар) ясаб, кечаси қўрғоннинг жуда тик бир деворига михлар қоқиб, қўрғонга чиқабошлайдилар. Деворнинг бу ери тик бўлганлиги учун, у ер тузук мудофаа қилинмаган эди. Мана шу тартибда қўрғонга чиқадиладар. Манба'ларнинг ма'лумотига кўра, қал'а халқи шундан кейингина таслим бўлади. Узоқ вақтлар бўйи курашиб келган халқнинг бу гал урушсиз таслим бўлиши кишида кўп шубҳалар туғдиради. Бу ерда ҳам аристократиянинг хоинлик ролини ўйнаган бўлиши турган гап.

Бундан сўнг, Александр иккинчи шундай бир қал'ани забт қилиш учун юриш бошлайди. Бу қал'а паритаклар вилоятида бўлиб, „Хориен қал'аси“ деб оталар эди. Малумотларга қараганда, бу қал'а Шаҳрисабз блан Термез ўртасида, Бузғола дарасида бўлган. Қал'ага Хориеннинг ўзи ҳам, одамлари блан бирга кириб яширинган эди. Қал'ани Арриан мана шундай деб тасвирлайди: „Қал'анинг баландлиги йигирма стадий<sup>1</sup>, айланаси эса олтмиш стадийга яқин эди. Унинг ҳамма томони нишаб эди. Унга сун'ий равишда қилинган биргина жуда тор ва қийин йўл бор эди. Қаршилиқ бўлмаган ҳолда ҳам, у йўл блан чиқиш жуда қийин ва хавфли бўлиб, шунда ҳам биттадан чиқилар эди. Бундан ташқари, қал'а атрофида чуқур хандақ бўлиб, аскарни қал'ага ўтказиш лозим бўлганда, ҳаммадан аввал, хандақни тўлдиришга туғри келар эди“. Бунда, Македония аскарлари қўрғонга чиқмасдан туриб, Хориен

---

<sup>1</sup> Стадий—юнонлар ўлчови бўлиб, уни ҳарқаерда ҳархил ҳисоблайдилар. Асосан 150—189 метрга тенглаштирилса ҳам, кўпинча 157,5 метрга баробар деб кўрсатадилар.

Оксиартнинг ташвиқоти блан Александрга таслим бўлди. Бу ерда ҳам аристократиянинг хойнлик қилгани равшан кўриниб турипти.

Македония аскарларининг бу кунгача қўлга киритган ғалабалари, ёки уларнинг юқори ҳарбий техникаси, истилочи аскарларнинг ҳарбий тайёргарликда устунлиги Ўрта Осиёнинг ҳечқаерида ва ҳечвақт маҳаллий аҳолини кўрқитолмади. Истилочиларнинг забт этилган аҳолига нисбатан қилган ваҳшийларча ҳаракати, аҳолини ёппасига қириб ташлаб, беҳад кишини асирликка олишлари, улар томонидан ишлатилган турли оғир жазолар ерли аҳолининг македониялиларга қарши курашини фақат кескинлаштирди, халос. Юнон авторлари томонидан „ваҳшийлар“ деб айбланган ерли халқ, ватани ташқи душман ҳужумидан озод қилиш учун курашда ўлишни ўзи учун фахр деб билган, бунинг учун хурсанд бўлган ва ўлимга ашулалар айтиб борган. Мана, юнон авторларидан бири Александр ҳузурига олиб борилган ўттизта Ўрта Осиёли асирнинг руҳий ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: „Подшоҳ ҳузурига ўттизта отоқли паҳлавон суғдлиларни келтирдилар. Булар ўзларининг ўлимга олиб борилаётганликларини билатуриб, ашула айтдилар ва турли ўйин-кулгилар қилдилар“.

Ўрта Осиё халқининг истилочиларга қарши қаттиқ кураши натижасида, македониялилар уруш майдонида сон-саноксиз ўликлар қолдиришга мажбур бўлдилар. Ярадорлар ва урушга яроқсиз бўлиб, сафдан чиқиб қолган аскарлар блан янги бино қилинган шаҳарларнинг тўлиб-тошганлигини Александрнинг поход канцеляриясидан чиққан ҳужжатларнинг ўзи ҳам тасдиқлайди.

Юқорида айтганимиздек, Александр фақат ўз сиёсатини ўзгартириш блангина Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлай олди. Александр Ўрта Осиёдан кетгунича, маҳаллий халқ унга қарши курашни давом этдирди, броқ маҳаллий аристократия босқинчилар томонига бутунлай ўтиб кетиб, халқнинг чет истилочиларга қарши ҳаракатига хойнлик қилгани учун, халқ ҳаракати босилди.

Шуниси қизиқки, Александр Миср, Сурия, Паластин, Кичик Осиё, Месопатамия, Закавказия, Эрон ва Афғонистоннинг кўпчилик қисмини ишғол этган, жуда ҳам кенг форс давлатини беш йил ичида забт этгани



ҳолда, форс давлатига қарашли бўлган кичкинагина бир Суғд вилоятини забт этиш учун уч йил вақт сарф қилди. У, форс давлатининг юқорида айтилган ҳамма вилоятларни бир марта уруш блан қўлга киритиб келган бўлса, Суғдиёнада уч марта қўзғолон кўтарилди. У забт этган ерларини уч марта қўлдан берди. Натижада, юқорида айтганимиздек, Александр фақат маҳаллий аристократияни сотиб олиш йўли блангина Суғдни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ АРАБЛАР ҲУЖУМИГА ҚАРШИ КУРАШИДАН ЭПИЗОДЛАР

Ўрта Осиё арабларнинг забт этиши олдида (VII аср), VI асрнинг бошларида Мўғулистонда майдонга келган турк хоқонлигига тоби' эди. Биринчи марта ўлароқ майдонга келган бу давлат, тезда (шу асрнинг 88-нчи йилларида) икки мустақил (шарқий ва ғарбий) давлатга бўлинади. Шарқий турк давлатининг маркази Мўғулистонда, ғарбий давлатнинг маркази эса, Еттисувда эди. VI асрнинг охирларида ғарбий турк давлати Ўрта Осиёда ўша вақтларгача ҳукмронлик қилиб келган Эфталитлар давлатига зарба бериб, бу вилоятларни ўзига қаратган эди.

Бу даврда Ўрта Осиё, айниқса унинг деҳқончилик районларининг иқтисодий ва маданий турмуши анчагина ривожланган эди. Ўзининг бугдой, арпа, гурунч ва пахта каби хилма-хил ғаллалари ва кўм-кўк ўтлоқлари блан танилган Зарафшон, Қашқадар'ё ва Фарғона водилари қадимги вақтларда ҳам турли истилочиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Ривожланган ташқи савдога актив иштирок этган бу ўлкада ҳунармандлик ҳам кўзга кўринарли бир ўрин олган эди.

Араблар забти олдида Ўрта Осиёда шаҳар ҳаёти бирмунча кўтарилган, янги савдо шаҳарлари майдонга келган эди. Бу шаҳарлар ичида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Нахшаб, Урганч, Кушония, Пайканд, Кармана, Даббусия, Арбинжон, Косон ва Тараз каби шаҳарлар Ўрта Осиёнинг энг катта шаҳарлари ҳисобланган. Марвнинг 4 километрлик Шаҳристониға баробар келадиган шаҳар Ўрта Осиёда эмас, балки Эронда ҳам йўқ эди. Шаҳарларнинг ҳаммаси деярлик, турли бос-

қинчиларнинг ҳужумларидан сақланиш учун бирнеча қавағ бланд, қалин деворлар блан ўраб олинган эди.

У даврнинг социаль ҳаётига қарасак, шундай бир манзарани кўрамиз: Ерлар катта ер эгалари ва ўз тиркичилигига етарли даромад берадиган ерга эга бўлган ҳур деҳқонлар қўлида бўлиб, катта ер эгалари ўз ерларини бошқа экучиларга (чойрикорларга) махсус шарт блан экишга берар эдилар. Катта ер эгалари, ғарб мамлакатларидаги катта ер эгалари каби, катта хўжалик эгаси эмас эдилар. Бу даврнинг ҳукмронлари, умуман ҳоким катта ер аристократияси мана шулардан иборат эди. Буларнинг қўл остида қуллар ҳам бўлган. Қуллар патриархаль оилаларда, хўжаликда ишлатилган ҳамда ҳарбий хизмат қилган. Лекин, булар ишлабчиқаришнинг асосий кучлари бўлган эмас. Феодализм жамияти вужудга келганидан олдин бўлган бу даврнинг социаль ҳаёти етарли даражада текширилмаган, шунинг учун бу ҳақда айтилган фикрларнинг ҳаммаси яна чуқур текширилиши ва муҳокама қилиниши лозим.

Ўрта Осиё араблар томонидан забт этилгунча бу ернинг халқи турли динларга э'тиқод қилар эди. Эрамиздан кўп асрлар бурун Эрондан ўтган зардўшт (зароастризм) дини бу ерда ҳаммадан кўпроқ тарқалган бўлиб, у Ўрта Осиёнинг бутун шаҳар ва қишлоқ халқини ўзига қаратган эди. Ўрта Осиё территориясида минг йиллар бўйи давом этган бу динга чўкинучилардан қолиб, бу кунгача ер тагида кўмилиб ётган нарсалар сўнги йилларда ўтказилган археология текширишлари натижасида очилмоқда. Булар Ўрта Осиё территориясининг ҳарбир ерида топилмоқда.

Араблар ҳужумидан олдин, зардўшт динидан бошқа, Ҳиндистондан ўтган будда дини ҳам ҳукм сураар эди. Бу дин кўпинча Ўрта Осиёнинг шаҳарларида, аynиқса Термез блан Балхда ривожланган. VII асрнинг ўттизинчи йилларида Ўрта Осиё шаҳарларини кўриб ўтган Хитой зиёратчиси Сюан-Цзан, шаҳарларда будда динига қарашли ибодатхоналар борлиги ҳақида маълумотлар қолдирган. Наршаҳийнинг „Бухоро тарихи“. Насафийнинг Самарқанд тарихига оид „Қандия“ исмли асари ва „Тарихи Табарий“ арабларнинг Бухоро ва Самарқандда бирқанча бутхоналарни бузиб, уларни мачитга айлантирганликлари, бутхоналардаги қийматбаҳо нарсаларни олганликлари ва бутларни ёқиб ташлаганликлари

ҳақида малумот берадилар. Араблар забтидан олдин бу шаҳарларда буддистларнинг бой ибодатхоналари ва зардуштрларнинг оташкадалари бўлганлиги мана шулардан равшан кўриниб туради.

Ўтмишда Урта Осиёда бўлгани каби, бу даврда ҳам, мамлакат кўпгина ҳукмдорлар қул остида бўлиб қолган ҳолда идора этилар ва бу ҳукмдорлар ўртасида қарама-қаршилиқлар, ўзаро уруш-талашлар бўлиб турар эди. VI-VII асрларда бу ерда бирлашган битта давлат йўқ эди. Урта Осиёнинг майда давлатлари ичида энг каттаси—Сугд подшоҳлиги бўлиб, унинг маркази Юнон—Бахтрия давлати йиқилгандан кейин бирнеча асрларгача ўзининг сиёсий ва иқтисодий ролини йўқотган ва VI асрлардан бошлаб қайтадан тараққий этган Зарафшон водисининг энг қадимги шаҳри—Самарқанд эди. Сугд ҳукмдорлари „ихшид“ ва „афшин“ унвони билан юритилиб, Урта Осиё ҳукмдорларининг энг кучлиси ҳисобланганлар. Бухоро вилоятининг ҳукмдори „Бухорохудот“, Фарғона ва Осрушна ҳукмдорлари „афшин“, Хоразм ҳукмдорлари „хоразмшоҳ“ унвонлари билан оталган. Булардан ташқари, Марв водиси ва Тожикистоннинг жануб-ғарбий вилоятларида кўп ҳукмдорлар махсус унвонлар билан юритилган, бу ҳақда биз муфассал тўхтамаймиз. Бу ҳукмдорларнинг оз-оздан хусусий аскарлари бўлган. Булар қуллар, ёлланган кишилар ва деҳқон ёшларидан иборат бўлиб, „шакар“, ёки „чокар“ исми билан юритилганлар. Бу майда ҳукмдорлар ўртасида, бир-бирини талаш, ўлжалар олиш мақсадида тўхтовсиз урушлар дадом этиб турган.

Қисқа қилиб айтганда, Урта Осиё араблар забтидан олдин, забт этиш учун сиёсий жиҳатдан жуда ҳам қулай бир ҳолда бўлган. Бу тарқоқлик, айниқса майда ҳукмдорлар ўртасида бўлиб турган узлуксиз ўзаро низолар, араблар ҳужумига қарши курашда, кучни бирлаштиришга имкон бермас эди.

VIII асрда Арабистонда майдонга келган янги бир давлат, ислом динини қурол қилиб чиқиб, ўз чегарасини шарқ ва ғарбга қараб тезлик билан кенгайтира бошлади. Шу асрнинг биринчи ярмида, халифа Абубакр

(632—634) ва Умар (634—644) лар замондаёқ, Византия, Сурия, Паластин ҳамда сосонийлар Эрони забт этилиб, катта араб халифалиги вужудга келади. III халифа — Усмон (644—656) замонда араблар Марв водиларигача келиб етадилар. Улар Марв шаҳрини 651-нчи йилда қўлга олган эдилар. Улар ўзларига тоби' бўлган ҳамма халқларни, айниқса забт этилган ерларнинг аҳолисини дин байроғи остида ваҳшийларча таладилар.

Араблар 670-нчи йиллардан бошлаб Мовароуннаҳрга<sup>1</sup> ҳам ҳужум қилдилар. Уларнинг VII асрда бу ўлкага қилган ҳужумлари аҳолини талаш, кўп ўлжа ва асирлар олиб кетиш ҳамда бу ернинг географик шароитлари билан ошна бўлишдан иборат эди. Бу ерни бутунлай забт этиш мақсади эса, фақат VIII асрнинг бошларида жиддий бир тусга кирди. Бу мақсадни амалга ошириш, Хуросон ҳукмдорлигига янгигина юборилган таланти араб саркардаси Қутайба ибни Муслимга юкланган эди.

Хуросон ва Ўрта Осиёни забт этиш учун юборилган аскарлар, турли араб қабилаларидан тўпланган кишилардан ва забт этилган ерлардан аскарликка олинган асирлардан иборат эди. Забт этилган ерлардан олинган аскарлар, маволи (қўл хизматчи) исми билан юритилган. 714—715-нчи йилларда, Эрондаги 47 минг араб аскарларининг 7 минги эронлилардан иборат эди.

Қутайба 10 йил ичида (704—715) Ўрта Осиёнинг жанубий томонларида Марв ва Хоразмдан бошлаб, шимолда Шош (Тошкент) ва Фарғона вилоятларигача забт қилди. Майда-майда давлатларга бўлинган Ўрта Осиёни қўлга киритиш учун, қулай заминлар бўлишига қарамай, Қутайба Ўрта Осиё маҳаллий халқининг жуда қаттиқ қаршилигига дуч келди. Тарихий манба'ларнинг берган малумотларига кўра, Хоразмдан бошқа ерларда, Ўрта Осиёнинг Қутайба ҳужумига қарши ўз аҳолиси томонидан ҳимоя этилмаган биронта жойи бўлмаган.

Ўрта Осиёнинг бир-бировларига қарши мустақил ҳукмдорларидан бири бўлган Хоразм вилоятининг ҳукмдори Чигоннинг укаси Хурдзод ўз акасига қарши бош

---

<sup>1</sup> Мовароуннаҳр — арабча сўз бўлиб, дарёнинг нариги томони демакдир. Ўрта Осиёнинг Амударёдан Сирдарёгача бўлган қисми Мовароуннаҳр деб аталган.

кўтаради ва Хоразмнинг ғарбий томонларини қўлга киритади. У акасини кучли хавф остига туширди ва ғоятда тинчсизлантирди. Чигон укаси Хурдзоднинг бу ҳаракатига қарши ҳечқандай чора кўраолмади. У, ўз душманини аскарий куч билан бартараф қилишга ҳам ўзини ожиз санади. Шунинг учун у, эндигина Хурсондан Суғд вилоятига юриш қилишга ҳозирлик кўраётган Қутайбага хат ёзиб, уни Хоразмга таклиф қилади. Қутайба Хурдзодни ўлдирса, ёки қўлга тушириб берса, унинг ҳарқандай ҳукмини ижро қилиш ва бутунлай унга итоат этиш шартини гарданига олади. Бу нарса, шубҳасиз, Қутайбанинг табиий тилакларидан эди. У, Хоразмга юришни билдирмаслик учун, Чигон элчиси орқали, ўзининг Суғдга сафар қилиши ҳақида хабар тарқатади. Натижада Хоразмда, „Қутайба Суғдга юриш бошлапти“, — деган хабар тарқалгандан сўнг, у ерда мудофаага ҳечқандай тайёргарлик кўрилмайди. Баҳор келиши бляноқ, Хоразмнинг шарқ-жанубий томонидаги энг эски шаҳри бўлмиш Ҳазораспини Қутайбанинг аскарлари ишғол этгани ҳақида хабар тарқалади ва Хоразм аҳолиси ўз ватанига бостириб кирган арабларга қарши тездан қурол кутариб, Чигоннинг ҳузурига бордилар. Тинч аҳолининг устига араб аскарларини чақиртириб келтирган Чигон, халқнинг бу ҳаракатидан шошиб қолиб, мамлакат мудофаасини Хурдзод устига юклайди ва йиғлаб борган аҳолини унинг ҳузурига юборади. Бутун халқ ёрдамга келиб турса-да, Хурдзод ҳам мудофаага жиддий киришмайди. Мамлакат ҳукмдорлари ўз тинчликларини кўзлаб ва ички душманлари устидан зафар қозониш учун, ўзларини араблар қучоғига отган бир пайтда ҳам, аҳолининг ташқи душман ҳужумига қарши мамлакатни бор кучи билан мудофаа қилишга тайёр турганлиги бу воқиядан очиқ кўринади. Лекин, бу курашни уюштиручи бир ташкилот бўлмаганидан кейин, аҳолининг бутун ҳаракати оқибатсиз қолиши аниқ эди.

Қутайба Мовароуннаҳрга биринчи ҳужум қилишидаёқ, Пайканд аҳолисини т қаттиқ қаршилишига учради. Қутайба аскарларининг Жайхун (Амудар'ё) дан ўтганлари ҳақидаги хабар тарқалиши билан, Пайканд аҳолиси атроф-теварақда яшовчи халққа мурожаат қилиб, уларни араблар ҳужумига қарши курашга чақирадилар. Булар араб аскарларининг йулини тўсиб олиб, бирқан-

ча вақт уларни шаҳарга яқинлашишга қўймадилар. Мунтазам ҳарбий кучга эга бўлган араблар, ҳарбий тайёргарлиги бўлмаган мудофаачиларни икки ойлик қаттиқ уруш натижасидагина енгаоладилар. Лекин мудофаачилар ўз курашини татомила тўхтатмайди. Араб аскарларининг асосий қисми шаҳардан узоқлашуви блан, улар Қутайба томонидан шаҳарда қолдирилган гарнизонга ҳужум қилиб, кўпчилик аскарларини ўлдирадидлар, қолганларининг қулоқ-бурунларини кесиб, шаҳардан ҳайдаб чиқарадилар. Бу нарса Қутайбани Пайкандга иккинчи марта юриш қилишга мажбур этади. Бу сафар ҳам шаҳар мудофаачилари Қутайбанинг йўлида жуда катта қийинчиликлар туғдирадидлар. Улар араблар блан бир ой уришиб, шаҳарни қўлдан бермайдилар. Халқнинг бунчалик катта қаршилиқ кўрсатиши натижасида шаҳарни ўқ кучи блан ололмаган араблар жуда кўп ёқилғилар йиғиб, шаҳар атрофига ўт қўйдилар. Шаҳар халқининг чиқиб уришуви учун жуда ҳам оғир қийинчиликлар туғилганидан кейингина, шаҳар иккинчи марта забт этилди. Пайканд аҳолисининг арабларга қарши ғоятда қаттиқ курашганлиги „Тарихи Табарий“ да келтирилган мана шундай бир фактдан ҳам равшан кўринади: Пайканднинг арабларга асир тушган давлатманд аҳолисидан бири (бу кишининг бир кўзи кўр бўлган), ҳарбири минг дирҳам турадиган эллик минг ипак тўн бериб, Қутайбанинг қўлидан қутилмоқчи бўлади.<sup>1</sup> Лекин, асосан молу-дун'ё олиш учун юрган арабларнинг, шунча молу-маблағга ҳам эътибор бермай, бу хавфли асирни ўлдиришга ҳукм қилишлари эса, маҳаллий халқнинг ўз ватанини мудофаа қилиб, қанчалик қаттиқ курашганлигини ва ташқи душманга кучли зарбалар берганлигини очик билдиради.

Бухоронинг забт қилинишига доир эпизодлар ҳам, араблар ҳужумига қарши Бухоро халқининг марҳаматсиз курашганлигини кўрсатади. 89 (708)-нчи йилда, Амудар'ёнинг шимолий соҳиллари араблар қўлига ўтгандан кейин, Қутайба Бухоро устига юриш қилади. Лекин, бухороиларнинг кучли қаршилиқ кўрсатиши

<sup>1</sup> Пайканд араблар забтидан олдин, катта савдо марказларидан бири эди ва унинг кўпчилиқ халқи савдогарлардан иборат бўлган. Шунинг учун, тарихий манба'ларда бу шаҳар „шаҳр руйин“ („Савдогарлар шаҳри“) деб аталади.

натижасида, у шаҳарни ололмай Марвга қайтади. Бу воқиядан хабардор бўлган араб халифалигининг Эрондаги волиси (наместник) Ҳажжож, бу сафар Бухорони забт этиш йўлларини бевосита ўзи кўрсатабсшлайди. У, Қутайба орқали Бухоро планини олдириб, у блан танишиб чиққандан кейин, бу ажойиб шаҳарни забт этиш зарурлигини кўрсатиб, Қутайбага хат ёзади ва бунинг тартибларини ўргатади. Мана шундан сўнг, Қутайба яна Бухорога юради. Бу сафар у аввалгидан ҳам кучлироқ қаршиликка дучор бўлади. Бухоро халқининг араблар ҳужумига кўрсатган қаршилиги шу даражада қаттиқ бўлганки, ҳатто араб қўшинининг катта қисмларининг ҳам ҳаракатини сусайтириб юборган ва уларда олдинга силжишга жур'ат қолмаган. Тарихий манба'ларда баён этилган мана бу воқиа юқоридаги фикримизни тасдиқ этади: Ҳажжожнинг йўл-йўригини олиб, Қутайбанинг бошчилиги остида Бухорони забт этиш учун иккинчи марта юриш қилган араб аскарлари Бухоро атрофида маҳаллий халқ блан тўқинишадилар. Бухороликлар қолиб келиб, араб аскарларининг қароргоҳини босиб оладилар. Бундан сўнг Қутайба ҳарбий қисмларига мурожаат қилиб: „Туркларни бу ердан қайсингиз қувасиз?“ деб савол қилади. Бу ердаги араб аскарларининг тушқин руҳда эканлигини сезган Қутайба, мажбурий суратда ҳужум қилишга фармон бериб, олиндиган ўлжа — моллардан аскарларга тегадиган ҳиссадан ташқари, ерли халқнинг бошини олиб келган арабларга ҳарбир бош учун юз дирҳамдан<sup>1</sup> пул ва'да қилади. Қутайба, ўз ватанини мудофаа қилиш учун қаҳрамонона курашган маҳаллий аҳоли устига аскарларини мана шундай усуллар блангина юборишга муваффақ бўлади.

Ўзбекистон халқларининг арабларга қарши ҳаракати шу даражада кўтарилган эдики, улар танларида бир томчи қон қолгунча истилочилар блан курашишга интидилар. Улар, ҳатто муҳосарачилар ҳужумига қарши кўтарилган халқ ҳаракатини тўхтатиб, оғир шартларни „устига“ олиб, улар блан сулҳ қилучи маҳаллий ҳукмдорларга ҳам қарши курашдилар. Бунда биз тарихий манба'лардан яна бир воқияни келтирамиз: Қутайба

<sup>1</sup> Д и р ҳ а м — 20-25 тийинга баробар.

Кеш (Шаҳрисабз) ва Нахшабни (ҳозирги Қарши шаҳри яқинида) иккинчи марта уришиб олгандан кейин, 90 (708—709)-нчи йилда ўз укаси Абдурахмонни Суғд ҳокими Тархунга қарши юборади. Кекса ҳукмдор Тархун эса, Абдурахмон блан ярашиб, икки орада бўлган битимга кўра, унга кўп нарсалар беради. Абдурахмон Қутайба блан ўзининг доимий штаби бўлган Марвга қайтганидан кейин Суғд аҳолиси йиғилиб, Тархунни сулҳ қилганлиги учун исти'фо беришга мажбур этади ва ўрнига Ғўрак (710—737) исмли бошқа бировни ҳукмдор қилиб кўтаради. Мана бу воқиа ҳақида Табарий бундай деб ёзади: „Қутайба, укаси Абдурахмонни Тархун ҳузурига юборади. У, Суғд ҳокими блан сулҳ қилиб, ундан мол олиб, яна Қутайба ҳузурига борди ва бу ердан Марвга келдилар. Сўнг, Суғд халқи чиқиб, Тархунга: Сен хўрликка тушганлигинг ва ожиз бўлганлигинг учун сулҳ қилиб, хурсанд бўлдинг. Аммо сен кекса одамсан, сенинг биз учун ҳожатинг йўқ,— деди. Тархун: бўлмаса менинг ўрнимга бошқа бировни кўтаринглар,— деди. Сўнг Ғўрак исмли бир ҳокимни ҳукмдор қилиб қўйдилар“.

Ғўрак 20 минг аскар блан Суғд вилоятининг марказий шаҳри бўлган Самарқандда туриб, шаҳарни араблардан мудофаа қилди. Ўзининг табиий ва иқтисодий бойлиги, маданий ва сиёсий устунлиги, гўзал табиатли юмшоқ ҳавоси блан донги кетган Суғд вилояти, айниқса унинг бош шаҳри Самарқанд, шубҳасиз, араб босқинчиларининг ҳам диққатини ўзига тортган эди. Шунинг учун ҳам улар бу ерни забт этишга янги куч блан киришдилар. Самарқанд халқининг арабларга қарши ҳаракати, уларнинг арабларга нисбатан қилган мардона муомалаларидан ҳам равшан кўринади. Араблар забтнини мукамал ёзиб ўтган Табарий, уларнинг муомаласини бундай деб баён қилади:

„Бир кун булардан (шаҳар халқидан) бир тўдаси шаҳар девори бурчига келиб, арабларга қараб: Ҳой итлар, нега биз блан уришасизлар? Ўзларингизни ранжитасизлар? Бундан (урушдан) кўрқинглар. Бу кўрғонни, оти „Қўм“ (туя тўқими) бўлган кишидан бошқа ҳечбир киши ололмаслигини биз китобларда ўқиганмиз,— деб овоз қилдилар“.

Самарқанд халқининг арабларга қарши курашда катта қаҳрамонлик кўрсатганини яққол кўрсатучи яна



шундай бир эпизодни келтирамиз: Араблар Самарқанд халқи билан узоқ курашгандан сўнг, манжаниқ (шаҳар деворларини бузучи бир ҳарбий асбоб) билан шаҳар деворининг бир ерини бузадилар. Деворнинг бузилган еридан араблар шаҳарга кирмасин учун, Суғд курашувчиларидан бири деворнинг бузилган жойига келиб, арабларга қарши ўқ узабошлайди. Мардларча курашаётган бу паҳлавоннинг жасурлиги Қутайбанинг ғазаб томирларини қўзғатади. Бу қаҳрамонни тириклайин қўлга тушуриш қийин бўлгани учун, уни отиб ўлдириш қасдига тушади. Шунинг учун отучи (мерган) аскарларига: Сиздан кимки шу одамни отиб ўлдирса, ўн минг дирҳам (2.500 сўм олтин) бераман, деб ва'да қилади ва бу нарса ижро қилинади.

Араблар, Зарафшон дар'ёсининг бошларида (ҳозирги Тожикистон территориясида) ҳам қаттиқ қаршиликларга дуч келадилар. Панжакент вилоятининг ҳукмдори Девастич воқияси бунга очиқ мисол бўлаолади. 722-нчи йилда бутун Панжакент аҳолиси Девастич раҳбарлиги остида арабларга қарши қўзғалади. Бу ҳаракатни бостириш учун шу йилнинг кўкламида Бухоро ва Самарқанддан олинган аскарлар билан, араб лашкарбошиси Сулаймон ибн Абусорий боради. Панжакент аҳолиси араб аскарлари билан ғоят қаттиқ уруш қилади. Лекин араблар кучлари жуда ортиқ бўлгани учунгина бу ҳаракатни бостиришга муваффақ бўлдилар. Ҳаракат босилгандан кейин араблар курашувчилардан ўч олабошладилар. Девастич, шу даврда Суғд ихшиди бўлган Ғуракнинг ёрдами билан, Фарғонага (Хужандга) араблардан қочиб кетган суғдликлар устига юриш қилиб келаётган қумондон Сайид-ал-Харроший ихтиёрига юборилади. У, дастлаб Девастични ўзига эргаштириб олиб юрган бўлса ҳам, Кеш ва Арабинжонни олгандан кейин, уни ваҳшийларча ўлдириб, бошини Ироққа — Умар ибн Хубайрага, чап қўлини Сулаймон ибн Абусорийга юборади. Девастич жасадининг ваҳшийларча парчаланиб, ҳарбир парчасининг узоқ-узоқ мамлакатларга юборилиши унинг арабларга қарши қанчалик қаттиқ курашганини кўрсатади.

Араблар забтидан олдин ҳам Суғд вилоятида замоннинг қаҳрамонларини ҳурмат қилиш, уларни юқори даражаларга кутариш учун шароит ҳозирланган эди. Шунинг учун ҳам, улар жамиятда каттагина бир

мавқи' тутар эди. Бу нарса, тубандаги воқиядан равшан бўлиб туради: Ҳар йили Самарқандда, махсус бир ерда, бир курси қўйилиб, унинг устига ҳархил тотли таомлар ва шароблар қўйилар эди. Булар, Суғд вилоятининг энг ботир йигитларига аталган бўлар эди. Бу курсига келиб теккан одам Суғд аскарларини урушга чақирган бўлиб ҳисобланар эди. Бу урушда ғолиб бўлиб чиққан киши, янги бир қаҳрамон чиққунча, шу ўлканинг рекордчи қаҳрамони бўлиб қолар эди. Демак, Ўрта Осиёда арабларга ҳаммадан илгари, мана шундай ватанпарвар қаҳрамонлар блан урушишга тўғри келган эди.

Араб истилочилари, бошқа ерлардан кўра Ўрта Осиёда қаттиғроқ қаршиликка учрадилар. Маҳаллий меҳнаткашлар араб истилосидан илгари оғир ҳаёт кечириб келган бўлишига қарамай, истилочилар зулмининг чексиз оғирлигини тушуниб, уларга ғазаб ва нафрат кўзи блан қарадилар. Мол-мулкларини болачақаларини, ватанларини хароб бўлишдан сақлаб қолиш учун, улар мунтазам аскар кучи блан ҳужум қилган душманга қарши охиригача кескин мудофаа курашларини олиб боришга интилдилар.

Лекин бир томондан, бу ернинг кўп мустақил ҳукмдорлари ўзларининг ички душманларига ғолиб келиш учун, халқ ҳаракатини бўғиб, хавfli ташқи душманни мамлакатга ўзлари чақирдилар. Ҳатто, босқинчи душманнинг қўли баланд келиши учун, маҳаллий ҳукмдорлар аскар тайёрлаб берганлар, истилочиларни талаб этган керакли нарсалари блан та'мин қилганлар, умуман душман ғалабаси учун замин ҳозирлаганлар. Иккинчи томондан, Ўрта Осиёнинг кўп ҳукмдорлари қаҳрамонларча урушаётган маҳаллий мудофаачиларга хоинлик қилиб, арабларга оғир контрибуциялар беришни чексиз қийналган халқ гарданига қўйиб, ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, маҳаллий аристократия арабларга нисбатан турлича сиёсат тутади — гоҳ у, истилочилар блан иттифоқ тузади, гоҳ улар блан қаттиқ кураш олиб боради. Суғд ихшиди Ғўрак бунинг яққол мисоли бўлаолади. Аммо, араблар ҳужумининг бутун оғирликлари, мамлакатнинг камбағал-қашшоқ оммаси устига тушади.

Ерли халқнинг араблар билан узлуксиз ва кескин кураши бундан кейин яна юз йиллар бўйи давом қилди. Маҳаллий халқ, бу ерга зўрлик билан жойлашиб олган арабларни ўлдириб, Ўрта Осиёнинг забт этилган кўп шаҳарларини бирнеча мартаба улардан тозалашди. Маҳаллий халқнинг арабларга қарши бу курашида туркларнинг роли жуда катта бўлиб, Ўрта Осиё ҳукмдорлари арабларга қарши ҳарбир курашида турк хонларига мурожаат қиладилар. Юқорида айтганимиздек, иккига бўлинган турк давлатининг шарқий қисми 711-нчи йилда ғарбий турк давлатини ўзига қаратади. Бир йилдан сўнг — 712-нчи йилда — Қўтайба Марвга қайтгандан кейин, арабларга қарши қўзғалган Суғд аҳолиси туркларни ёрдамга чақиради. Турк хоқони Мачжо набиралари қўл остида юборилган турк отрядининг ёрдами билан суғдлилар ўз вилоятини араблардан тозалашди. 712—713-нчи йилларда араблар қўлида биргина Самарқанд қолади.

Бу давр ҳақида гапирганимизда, Ўрта Осиё билан Хитой орасидаги муносабатлар ҳақида гапирмай ўтолмаймиз. VII асрнинг охириги йилларидан бошлаб, Хитой феодаллари Хитой — Ўрта Осиё савдо йўлининг кўп қисмида ҳукмрон бўла бошлашди. VIII асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё ҳукмдорларининг арабларга қарши курашида Хитой феодаллари бевосита иштирок этади. Жумладан, Хитой 715-нчи йилда Фарона ҳукуматида ҳукмдор белгилашга муваффақ бўлади. Самарқанд, Бухоро ва бошқа сиёсий марказлардаги Ўрта Осиё ҳукмдорлари Хитой императори ҳузурига элчи тўдаларини юборадилар. 720-нчи йилда Хитой императори махсус элчилар орқали Ўрта Осиёнинг уч ҳукмдорига ўз ёрлигини юборади. Ўрта Осиёда арабларга қарши кураш айни қизгин бориб турган даврда Ўрта Осиё ҳукмдорларининг Хитой билан муносабатлари ривожланганлиги шунини кўрсатадики, бу ҳукмдорлар, Хитой империясидан ҳам катта ёрдам умид қилганлар.

Маҳаллий ҳукмдорларнинг араблар билан курашишга ёрдам сўраб Хитой империясига мурожаат қилишлари, Суғд ихшиди Ғўракнинг Хитой империясига ёзган мактубидан ҳам равшан кўриниб туради. Мактуб 718-нчи йилнинг охири ёки 719-нчи йилнинг бошида ёзилган. Унда, бундай дейилади: „Мана, 35 йил бўлдики,

биз араб босқинчиларига қарши курашамиз: ҳар йили биз уруш майдонида кўп миқдорда пиёда ва отлиқ аскарларни қурбон бериб келдик, лекин марҳаматли императорнинг бизга ёрдам учун аскар юбормоғидай шарафга муяссар бўлмадик. Бундан олти йил муқаддам арабларнинг бош қўмондони Амир Қутайба кўп аскар блан бу ерга юриш қилган эди. У биз блан уришди, биз ҳам душманимизга қаттиқ зарба бердик. Аммо бизнинг аскарларимиздан ҳам кўп киши ўлди ва ярадор бўлди. Арабларнинг пиёда ва отлиқ аскарлари ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги орқасида, бизнинг кучимиз уларга тенг келолмагани сабабли, мен ўз қўрғонимга қайтдим. Шундан сўнг араблар шаҳарни забт этдилар. Улар шаҳар деворининг қаршисига 300 манжаниқ қўйиб, деворнинг уч ерени буздилар. Улар бизнинг шаҳаримиз ва подшоҳлигимизни хароб қилмоқчи бўлдилар. Мен эҳтиром блан сўрайманки, бундан хабардор бўлган шафқатли император бу қайғули ҳолатда менга ёрдам учун хитой аскаридан бир миқдорини юборсалар эди. Араблар фақат юз йил ичидagina қудратли бўлиши керак, бу муҳлат шу йилнинг ўзида тамом бўлади. Агар хитой аскарлари бу ерга келсалар, мен ва менинг қарамоғимдагилар, арабларни даф қилишга муваффақ буламиз“.

Хитойдан ёрдам учун аскар юборилгани ҳақида ҳечқандай малумот йўқ. Лекин, арабларга қарши курашнинг ривожланиши натижасида, 728-нчи йилда араблар томонидан Ўрта Осиёнинг забт этилган асосий қисмидан фақат Самарқанд блан Даббусиягина уларнинг қўлида қолиб, бошқа ерларнинг ҳаммаси араблар қўлидан қайтариб олинган эди. Шарқ ва Ғарбнинг кўп катта мамлакатларида ҳокимиятни қўлга олган араблар, бу воқиялардан сўнг, бу ерда уз ҳукмронликларини катта хучлар блангина тиклашга муваффақ бўладилар. Ўрта Осиёнинг айрим шаҳар ва қишлоқлари араблар томонидан забт этилгандан сўнг ҳам, 3—4 асрлар давомида (X — XI асрларгача), аҳолининг бир қисми ислом динини қабул этмай, араб ҳукмронлигига қарши келганлиги — тарихий ҳақиқатдир.

Биз араблар ҳужумига қарши ҳалқ курашининг биринки эпизодларинигина ёздик. Аммо ерли халқнинг уларга қарши кескин кураши бу эпизодлар блангина

чекланмайди. Ўрта Осиё халқларининг ватан учун фидокорона урушганликлари натижасида, араблар 704-нчи йили жиддий ва систематик равишда забт қилишга киришгандан кейин ҳам, Ўрта Осиёнинг фақат жанубий районларини 10 йил деганда қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Шунда ҳам бу районлар бир ёқдан араблар томонидан забт этилса, иккинчи ёқдан уларнинг қўлларидан чиқабошлайди. Халқнинг бу қаҳрамонлиги натижасида, араблар Ўрта Осиёнинг ҳарбир жойини узоқ йиллар давомида бирнеча марта забт этишга мажбур бўлганлар.

Араблар забт этган ерлардаги халқнинг аҳволи гоёт оғирлашди. Илгари аҳволи ночор бўлса ҳам, араб истилосидан бурун тинч яшаб келган маҳаллий халқ энди ташқи истилочилар томонидан ҳам таланабошлайди. Забт этилган шаҳар ва қишлоқларнинг кўпи харобага айланади, аҳолининг мол-мулки таланади. Мамлакатнинг экинзорлари босқинчилар оёғи остида поймол бўлади. Тинч аҳоли — гуноҳсиз хотин-қизлар ва ёш болалар қирилади. Сон-саноқсиз кишилир қул қилинади.

Юқорида айтганимиздек, Ўрта Осиёнинг ҳамма ҳукмдорлари тезда араблар блан яқинлашиб, фақат тож-тахтни ўз қўлида сақлаб қолиш учун, улар юклаган жуда оғир шартларни, ўз „устларига“ олабошлайдилар. Қутайба блан Бухоро ҳукмдори Бухорхудот ўртасида бўлган битим бунга яхши мисол бўлаолади. Бу битимга кўра, халифага Бухородан ҳар йили 200 минг дирҳам, Хуросон амирлигига 10 минг дирҳам пул берилиши лозим эди. Бухоро аҳолиси уйларини ва экин ерларининг яримини арабларга беришга, шаҳар атрофларида яшовчи аҳоли эса, арабларнинг отларини ем-хашак блан та'минлаб туришга, уларга ўтин ҳозирлаб беришга, умуман кўчиб келиб, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг уйларига зўрлик блан кириб олган араб ҳарбий аристократлари ва ислом тарғиботчилари учун лозим бўлган ҳамма нарсани топиб бериб туришга мажбур қилинади. Ўрта Осиёнинг иккинчи бир катта шаҳри бўлган Самарқандда эса, босқинчиларнинг

зулми бундан ҳам қаттиқ бўлганини кўрамиз. Суғд ҳокими Ғўрак томонидан араб қўмондонлари шарафига берилган катта бир зиёфатда, Қутайба блан Ғўрак уртасида шартнома тузилади. Бу шартномада кўрсатилишича, Қутайба Самарқанд подшоҳлигини, унинг атрофидаги Кеш, Нахшаб ва бошқа рустоқлари блан бирга Ғўракка бериб, унинг муҳрини ҳам ўзига қолдиради. Ундан сўнг, унинг ўрнига болаларнинг ҳукмдорлик қилиши такидланади. Бунинг бадалига Ғўрак арабларга ҳар йили 10.000 динар<sup>1</sup> пул ва шу йили 3.000 қул бериши лозим эди (бу қуллар ўрта ёшда бўлиб, ораларида қари кишилар ва ёш болалар бўлмаслиги керак эди).

Араблар Самарқандда ҳам маҳаллий аҳолининг уй-жойини зўрлик блан тортиб оладилар. Арабларнинг биргина Қурайш қабиласидан Самарқандда беш минг киши ўрнаштирилган. Араблар қирғинидан қутилиб қолган аҳолининг бир қисми ўз ватанидан мажбурий равишда шимолий вилоятларга қувилади. Юқорида айтганимиздек, араблар забт этган ерлардан улар олган беҳисоб қулларнинг аҳволи гоётда ёмон бўлган. Араб эксплуататорлари уларни энг оғир ишларга солганлар.

Араблар, истило қилинган бошқа мамлакатлардаги сингари, Урта Осиёда ҳам, ислом динини тарқатиш учун кўп чоралар изладилар. Маҳаллий халқнинг бу динни тарқатишга қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, уни мажбурий равишда ўтказишга, бу урувиш ғалаба қозонмагандан сўнг эса, бу йўлда турли ҳийланайранглар ва тадбирлар ишлатишга мажбур бўладилар. Улар ўз ғалабаларини сақлаб қолиш, забт этилган ерлардаги аҳолини қулликда тутиш, уни бутунлай бўйсуниб, араблар манфаати йўлида ишлайдиган бўлишини таъминлайдиган ислом динини ўрнатиш учун турли-туман сиёсатлар юргизадилар. Бошлаб, улар илгари Урта Осиёда ҳукм сурган будда, зардушт динларига тоби' бўлган ибодатхоналарни бузиб, ўрнига масжидлар, катта шаҳарларда жоми'лар бино қиладилар. Бу ерга махсус юборилган воизлар масжидларда кенг ташвиқот ишларини олиб борадилар. Муҳосирачиларга қаттиқ нафрат кузи блан қараган ерли

<sup>1</sup> Динар — беш сўмлик олтинга баробар.

халққа ислом динини бу усул билан қабул қилдириш ҳам қийин бўлганидан кейин, халқнинг иқтисодий жиҳатдан кийналганлигидан, халқ хўжалигининг бутунлай емирилганлигидан, аҳоли орасида оч-яланғочларнинг ҳалок бўлиш ҳоллари кўпайганлигидан фойдаланишга тиришдилар. Шунинг учун улар, ҳаммадан аввал, мусулмон бўлганларни халқ устига тушадиган кўп оғир солиқларнинг ба'зиларидан озод қила бошлайдилар. Жум'а кунлари масжиди жоми'га намозга борганларга икки дирҳамдан пул берадилар. Бутун оғирлик ислом динини қабул қилмаганлар устига тушади. Мана шундай бўлишига қарамай, узоқ вақтларгача халқнинг бир қисми арабларга қарши курашни сра сусайтирмади. Мусулмонликни қабул этган кишиларга бир қадар енгиллик беришлар фақат ислом динини ўрнатиш учунгина ишлатилган бир сиёсат эди ва бу нарса узоққа бормади. Тез вақт ичида бу сиёсат ўзгартирилди. Шундан кейин, ислом динини қабул этганлар ёрдам олиш у ёқда турсин, балки мусулмон бўлмаганлар қаторида араблар зулмидан чексиз эзила бошладилар. Бу нарса араб ҳукмдорларининг алдамчилик қиёфасини бутунлай очиб ташлади. Меҳнаткаш аҳолидан олинадиган солиқлар жуда ошиб кетди. Халқ аҳволи чидаб бўлмайдиган даражада оғирлашди. Бундан сўнг халқнинг уларга қарши зиддияти яна кучайди. Кураш кескинлашди. Ислом динини қабул этган аҳолининг бир қисми ислом динидан чиқиб, яна узоқ вақтларгача эски динида қолди.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МУҒУЛЛАР ҲУЖУМИГА ҚАРШИ КУРАШИ

XI—XII асрларда Урта Осиёнинг бош ҳукмронлиги, бу ерга шарқдан ҳужум қилган кўчманчилар — бошлаб қорахонийлар, сўнг қорахитойлар — қўлида эди. Қорахитойлар XII асрнинг 30-нчи йилларида Еттисувга босгириб кириб, орадан бирқанча йил ўтгандан кейин Урта Осиёнинг марказий вилоятлари бўлган Фарғона билан Мовароуннаҳрга ҳужум қиладилар. XII асрнинг 40-нчи йилларида қорахитойлар билан бу ернинг ҳукмдорлари бўлган салжўқийлар ва қорахонийлар ўртасидаги кураш гоятда кескинлашган эди. 1141-нчи йилда Самарқанднинг шимол-шарқий томонидаги Қатван чў-

лида бўлган урушда қорахонийлар билан салжуқийлар иттифоқи мағлуб бўлади. Уша йилнинг ўзида, Мовароуннаҳр, руҳоний садрлар томонидан идора этилмоқда бўлган Бухорогача қорахитойлар қўл остига киради. Сўнгра улар Хоразмни ҳам ўзларига қаратадилар. Иккинчи томондан, бу даврда иқтисодий ва жуғрофий жиҳатдан қулай шароитга эга бўлган Хоразм борган сари тарих сахнасида кўринарли ўрин олабошлайди. У, тезда шарқнинг бутун Урта Осиёда ҳукмронлик қилаётган қорахитойлар билан, ҳатто Бағдод халифалар билан ҳам рақобат қиладиган йирик бир давлатига айланади.

Қорахитойларга тоби' бўлган Хоразм ҳукмдорлари қорахитойлар Урта Осиёда дастлаб ғалаба қилабошлаган даврдаёқ, шарқда катта бир давлат қуришга интиладилар. Хоразм вилоятининг 1156-нчи йилда вафот этган ҳукмдори Отсиз бу соҳада биринчи қадамни ташлаган эди. Лекин бу идея асосан 1172—1200-нчи йиллар орасида ҳукмронлик қилган Текеш замонида эмалга оширилади. Текеш, XII асрнинг 96-нчи йилларигача жанубда Хуросон ва Эронни забт этиб, ҳатто аббосийлар халифалигининг қўшинларини енгиб, халифа олдига Бағдодда ўз исмига хутба ўқитдириш ва пул чиқариш талабини қўйган эди. Шимолда у, қипчоқлар билан курашиб, Сирдарё бўйларидаги Ҳинд, Сигноқ каби стратегия жиҳатидан ғоятда аҳамиятли бўлган пунктларни қўлида тутган эди. Текеш Мовароуннаҳрни қорахитойлар панжасидан қутқаришга, уни ўзининг кенгайиб кетмоқда бўлган давлатига қўшиб олишга интилган. Бунинг учун у қорахитойлар билан кўп марталаб урушиб, ҳатто шу урушларнинг бирида Бухорони олиб қўйган эди. Аммо Текеш қорахитойларга узул-кесил зарба бераолмади. Бу зўр голибиятни унинг вафотидан сўнг отасининг тахтини урушиб олган ўғли султон Муҳаммад қўлга киритади.

Бу даврда Урта Осиёда жуда ҳам бой ва маданий шаҳар ҳисобланган Бухоро, мусулмон руҳонийларининг олий намоянадалари Бурҳониддин хонадонидан чиққан садрлар ҳукмронлиги остида эди. Бу садрлар мерос тариқасида келган ранс унвони билан ҳам оталар эдилар. Бухоро халқининг қорахитойлар ва ўз ҳукмдорлари — руҳонийлар томонидан ғоят қаттиқ эзилиши, шаҳар ҳунармандларининг чексиз таланиши, халқни 1206—



1207-нчи йилда садрлар ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтаришга мажбур этди. Қўзғолонга қалқон соту-чи ҳунарманд Малик Санжар раҳбарлик қилади. Санжар Бухорони қўлга олади ва эксплуататорларнинг ер-сувларини тортиб олиб, уларни шаҳардан ҳайдаб чиқаради. Уларнинг шаҳарда қолган моллари мусодара этилади. Бу воқиадан хабардор бўлган Хоразмшоҳ султон Муҳаммад, катта ҳарбий қувват билан бориб, қўзғолонни бостирди ва Бухоро ҳукуматини қайтадан садрларга олиб беради. Лекин Бухоро садрлари Хоразмшоҳга тоби' бўлиб қоладилар. Мовароуннаҳрнинг ғарбий қисми бўлган Бухоронинг султон Муҳаммад қўлига ўтиб қолиши — унинг қорахитойлар билан урушиши-ни тезлаштирди. Хоразмшоҳ, бошлаб қорахитойлар томонидан Самарқандни идора этмоқда бўлган Усмонни ўз томонига оғдиради. Мовароуннаҳрнинг бош шаҳри бўлган Самарқандни Хоразмга қаттиyroқ боғлаб олиш учун у, Усмонга қизини беради. Самарқандга бирқанча хоразмиларни юборади. Бундан сўнг, султон Муҳаммад тўғридан-тўғри қорахитой аскарлари билан урушишга ҳаракат қилади ва Еттисувда қорахитой қўшинини урушиб енгади.

Хулоса қилиб айтганда, султон Муҳаммад даврида Хоразмшоҳлар давлати, Текеш давридагидан ҳам кенгайиб, шимолда Сирдарё бўйлари ва Орол кўлидан бошлаб, жанубда Эроннинг жанубий вилоятлари ва Ироққача, ғарбда Каспий денгизи соҳилларидан бошлаб, шарқда Қирғизистон чегараларигача чўзилган эди.

Тараққиёт жиҳатидан юқори босқичда бўлган Хоразм давлати ўзининг шунчалик катталиги билан марказлашган бир давлат эмас эди. Бу давлат майда вассалликларга бўлинган ҳолда идора этиларди. Ҳатто Мовароуннаҳрнинг ўзи ҳам бирнеча алоҳида-алоҳида вассалликлардан иборат бўлган. Текеш ҳам, султон Муҳаммаднинг ўзи ҳам мамлакатнинг қипчоқ амирларидан бошқа, ҳечбир табақасига суянмас, бўлак табақалар доим ҳукмдорларга нисбатан оппозиция руҳида бўлар эдилар. Шу сабабдан Хоразмшоҳлар династияси мустаҳкам бўлмади ва у, тездан йиқитилди. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳатто Хоразмшоҳларнинг ўз хонадони ичида ҳам бирлик йўқ эди. Муҳаммад билан унинг онаси Туркан хотин ўртасида мудом интригалар давом қиларди.

XIII асрнинг биринчи чорагида Урта Осиё ўзининг узоқ тарихида кўчманчиларнинг жуда қаттиқ ҳужумига дучор бўлади. Бутун шарқ мамлакатларини хароба-зорга айлантирган бу ҳужум — мўғуллар ҳужуми эди.

Ҳозирги Монғулия тупроғида XIII асрнинг дастлабки ўн йили ичидагина майда қабилалардан ташкил топган мўғуллар империясининг ядроси, шу асрнинг иккинчи ўн йиллиги ичида ўз чегарасини ҳар томонга қараб кенгайтиради. Сибирь, Шарқий Туркистон ва Шимолий Хитой мўғуллар томонидан забт этилгандан сўнг, одамхўр Чингизхон гўзал табиатли Урта Осиёга қонли кўзларини тикади. Бу ернинг турли касб аҳллари бошига қонли қиличини кўтаради. Унинг заҳарли найзаси гуноҳсиз гўдаклар ва хотин-қизлар кўксига узатилади. Унинг қора кўнглига бу ернинг узоқ асрлар давомида гуллаб келган эски маданиятини бир марта тор-мор келтириш, мамлакатни зеру-забар қилиш нияти қат'ий ўрнашади.

1218-нчи йилларда, унинг блан султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида „дипломатия муносабатлари“ майдонга келади. Ҳар икки томон бир-бировининг кучқувватини аниқлаш учун душмanning мамлакатига тўда-тўда элчилар юборади. Чингизхон томонидан юборилган элчилар ва карвонлар блан бирга келучи жосус савдогарларнинг қора мақсадларига султон Муҳаммад яхшигина тушинган, шунинг учун ҳам улар Хоразмшоҳ томонидан қаттиқ тафтиш остига олинган, ҳатто жазоланган. Чингизхоннинг савдо муносабатлари блан, Урта Осиёнинг Монғулияда юрган сотқин савдогарлари қўл остида бу ерга юборилган карвон ҳай'ати<sup>1</sup> Хоразмшоҳлар давлатининг тупроғига утиш блан катта савдо йўли устидаги Утрорда, султон Муҳаммаднинг фармони блан, шаҳар ҳокими томонидан таланади. Савдогарлар бошлаб қамоққа олиниб, сўнг ўлдирилади. Урта Осиёни бугун, эрта забт қиламан деб турган Чингизхонга, бу воқиа катта бир баҳона бўлади ва унга иккинчи шундай бир баҳонани кутиб туриш учун эҳтиёж қолмайди. Мана шундан сўнг Чин-

---

<sup>1</sup> Карвон состави жула катта бўлиб, малумотларга қараганда 500 туя, 450 савдогардан ташкил топган. Моллар ҳам қимматбаҳо олтин-кумуш асбоблар, хитой ипаги, ҳархил мата ва шу каби моллардан иборат бўлган.

гизхон ва унинг ўғиллари қўл остидаги 200 минг мўғул отлиқлари Ўрта Осиё устига от қўядилар.

Мўғуллар уч йилгача (1219—1221 йиллар ичида) Ўрта Осиё шаҳарларини кетма-кет забт қила бошлайдилар. Бошлаб Ўтрор, ундан сўнг Сирдарё бўйидаги шаҳарлар, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Марв ва бошқа жойлар мўғуллар қўл остига киради. Бу шаҳарларнинг кўпи, уларга ғоятда қаттиқ қаршилик кўрсатади. Хоразмшоҳнинг ихтиёрида мўғулларнинг ваҳимаси билан шуҳрат топган бу ҳужумига қарши курашаоларли ва уларни тор-мор келтиришга қодир бир миқдор аскар бўлса-да, у, мамлакатнинг мудофааси у ёқда турсин, тожу-тахтида ҳам воз кечишга мажбур бўлади. Бунга сабаб, юқорида айтганимиздек, унинг ҳечқандай халқ табақасига суянмаслиги, ҳатто саройнинг бир-бирларига қарши партияларга бўлинган бўлиши, шоҳ билан аскарлари ўртасидаги келишмовчиликлар, — қисқа қилиб айтганда, ҳукмронлигининг бу жиҳатдан заифлиги эди.

Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларининг тақдири кичик-кичик гарнизонлар билан аҳолининг ўз ихтиёрига ташлаб қўйилган эди. Шундай бўлса ҳам, бир-биридан ажралган бу ерларнинг тарқоқ аҳолиси оз қувват билан босқинчи мўғулларнинг ҳарбийлашган ва ўз замонининг олдинги ҳарбий техникаси билан бирмунча қуролланган аскарларига қарши туриб, ўз ватанини ҳимоя этишга бел боғлади. Бир-икки аҳамиятсиз майда пунктларни э'тиборга олмаганда, Ўрта Осиёнинг ҳамма шаҳарлари ҳам мўғуллар томонидан қаттиқ урушлар билан забт этилади. Ташқи душман ҳужумининг оғирлигини, унинг халқ хўжалигини, маданий ҳаётини тор-мор келтириши, миллионларча гуноҳсиз камбағал-қашшоқ омманинг қонини бекорга тўкилиши, мамлакатни харобаликка айлантиришига бошдан ҳам тушинган аҳоли мўғуллар ҳужумига тиш-тирноғи билан қарши туради, мўғулларнинг бир-икки шаҳарга ваҳшийларча ҳужум қилганликларини кўргандан сўнг, халқ ўзининг мудофаасини янада кучайтиради.

Ўрта Осиёнинг кўп шаҳарларида мудофаачилар мўғуллар билан жуда қаҳрамонона равишда курашади. Бунинг натижасида, яхши қуролланган мўғуллар Ўрта Осиё шаҳарларининг баланд деворлари тагида 6—7 ойларгача кўп қурбонлар беришга мажбур бўлдилар.

Шаҳар қўрғонларини ўраб олган чуқур хандақлар, уларнинг ўликлари билан тўлди.

Мудофаачилар билан мўғул босқинчилари ўртасидаги уруш эпизодларини кўздан кечирганимизда, ватан учун курашдаги қаҳрамонликнинг ажойиб намуналарини кўрамиз. 1218 йилнинг кузида Хоразмшоҳлар давлатининг шарқ-шимолий томонидаги чегара шаҳарларидан бири бўлган Утрор биринчи марта ўлароқ, мўғуллар ҳужумига учради. Чингизхон Утрорга келгандан кейин, аскарий кучини тўрт қисмга бўлади. Утрорни забт қилиш учун бирнеча туман (бир туман — ўн мингга баробар) аскар билан иккинчи ва учинчи ўғли Чигатой билан Угдойни қолдиради. Катта ўғли Жўжи қўл остидаги бирнеча минг аскарни Сирдарёнинг этакларини забт этишга юборади. Сирдарёнинг бош томонига (Хўжандга) амирлар қўл остида аскар юборади. Ўзи кичик ўғли Тўли билан бирга Бухорони забт этгани юрүш қилади.

Ҳали айрим бўлақларга бўлинмаган мўғул аскарлари келиши билан, Утрор аҳолиси шаҳар дарвозаларини беркитади. Мўғуллар беш ой урушиб, шаҳарни ололмайдилар. Хоразмшоҳ томонидан шаҳарни мудофаа қилиш учун юборилган ўн минг отлик аскар ва унинг бошида турган Қорача Ҳожи ҳожиб хонлик қилиб, шаҳарни таслим бўлган деб э'лон қилганидан кейин ҳам, ўз ватани учун курашаётган шаҳар аҳолиси ички қал'ага кириб, шаҳар ҳокими Ғайрхон билан бирга яна бир ой тўхтовсиз урушади. Утрор халқининг баҳодирлиги шу даражада эдики, кураш шаҳар мудофаачиларидан сўнги бир одам қолгунча давом этдирилади. Шаҳар мудофаачилари ярим йил давомида ватан учун курашда жон олиб-жон беришгандан кейин, шаҳар аркида қолган Ғайрхон бутун аркни ўраб олган мўғуллар билан бир ўзи курашади. У, ҳатто қўлидаги қуролидан айрилганида ҳам урушни тўхтатмайди. Душманга таслим бўлишни томирида қони югуратуриб, ватан урушидан ўзини аяшни ўзига эп кўрмайди. У, тўрт томондан ўқ узиб турган мингларча мўғулларга гишт парчалари ва кесаклар отиб, урушни давом этдиради. Ҳатто Чингизхон ғолибиятини ва унинг аскарини мақташ билан чекланган ўша замон феодал тарихчиларининг диққатини жалб этган Ғайрхоннинг бу жасорати, шубҳасиз, қаҳрамонликнинг а'ло намунаси бўлиб хизмат қилади.

Сирдар'ёнинг бошига ва оёғига юборилган мўғул аскаррий қисмлари ҳам шундай қаршиликларга учрайдилар. Сирдар'ёнинг оёғидаги шаҳарларни урушсиз таслим қилдириш учун Жўжи томонидан у ерларнинг халқини ташвиқот қилишга юборилган кишилар ерли аҳолининг қаттиқ ғазабига учрайдилар. Сигноқ халқига элчи бўлиб борган Ҳасан Ҳожининг аҳволи ҳақида, Рашидиддин мана бундай малумот беради: „Жўжи қадимдан бери Чингизхон хизматида бўлган Ҳасан Ҳожини у атрофнинг аҳолиларига насиҳат қилиш ва (мўғулларга урушсиз) таслим бўлишга жалб қилиш учун элчи қилиб юборди. У ерда унинг насиҳатлари фойда бермайди, ишсиз—ярамас ва авбошлар ғавго кўтариб, такбир айтиб, уни ўлдирдилар ва ўзлари буни улуг савоб деб ўйладилар“. Бундан кўринадики, маҳаллий меҳнаткашлар дин ниқоби остида мўғул босқинчиларига қарши курашиш бир ёқда турсин, балки ўрта аср шаронтида, уларнинг ғалабаси учун дуога қўл кўтариб юручи ва мўғул аскарларига йўл кўрсатучи хиёнаткор мусулмонларга ҳам қаттиқ ғазаб ва нафрат блан қараганлар. Сигноқ воқеасидан кейин Жанд аҳолисини урушсиз таслим бўлишга да'ват қилиш учун юборилган элчи Чинтемур Жанд аҳолисининг қаттиқ ҳужумидан қўрқиб, ёлғондан улар томонида туриб, босқинчи мўғуллар блан курашишга, уларни шаҳарга киргизмасликка ва'да бериб, қочиб қутулади. Бу ҳақда Рашидиддин шундай малумот қолдирган: „Жанда Сарвар ва ҳокими мутлақ йўқ эди. Ҳар киши ҳушвақт ва ўз хоҳиши блан келиб бир сўз дер эди. Маслаҳат кўрар эди. Авом ғавго кўтариб, Чинтемурга қасд қилдилар. У Сигноқ уруши ва Ҳусайн Ҳожи аҳволидан буларни хабардор қилиб, „бегона аскарни шаҳарга киргизмайман“, деб шарт боғлади. Маҳаллий халқ бу шартга хурсанд бўлиб, (Чинтемурга) зарар келтирмадилар. Чинтемур ногоҳ, булар олдидан Жўжи ҳузурига қочди“.

Ўз замонининг тархчиси томонидан баён қилинган бу факт, гарнизони ва ҳукмдорлари қочиб кетган Жанд шаҳрининг тарқоқ аҳолисини ҳам, ўз ватанини мудофаа этиш учун қаттиқ курашиб, урушсиз таслим бўлиш учун ташвиқот қилучиларга нафрат кўзи блан қараганликларини кўрсатади. Мудофаа ҳақидаги сўзларга ишонадилар. Мана шундай қаҳрамонлик идеясининг намояндаси бўлган Жанд аҳолиси, қуроол тутма-

гани ҳолда, мўғулларнинг қуролли аскарларига қарши уришади.

Мўғуллар блан Хўжанд ҳокими ўртасида бўлиб ўтган урушнинг эпизодлари яна қизиқроқ. Мўғул аскарларидан катта бир қисмининг Хўжандга киришини билган Темур Малик, шаҳарни мудофаа қилишга тайёрланади. Лекин у, шаҳарнинг стратегия жиҳатидан яхши қурилганлигини эътиборга олиб, тактик позиция тутиш йўли блан мўғулларга зарба бермоқчи бўлган. Хўжанд ичидан ўтадиган Сирдарёнинг бир оролига мингтача танланган аскар блан ўтиб, у ерни жуда ҳам мустаҳкамлайди. Қолган аскарларини шаҳарнинг бошқа томонларини мудофаа қилишга қўяди. Бу орол, дарё қирғоғидан анчагина узоқ бўлиб, мўғул аскарларининг ўқлари унга етмас эди. Шунинг учун мўғуллар ерли аҳолидан олинган асирларни, 20—25 километр масофадан (шиёда) тош келтириб, дарёга ташлашга мажбур этадилар. Шу йўл блан сувни боғлаб, оролга ўтмоқчи бўладилар. Лекин оролдаги қаҳрамон мудофаачилар махсус тайёрланган усти ёшиқ, ҳатто ўқ-олов та'сир этаолмайдиган қайиқлар блан келиб, мўғулларнинг ясаган кўприкларини бузиб ташлайберадилар. Улар бутун дарё қирғоқларини ўраб олган мўғул аскарларига дарё ичидан туриб қаттиқ зарбалар берадилар. Натижада, мўғулларнинг минглаб аскарлари бу кўркмас ботирларни қўлга тушуришдан ожиз қоладилар. Малумки, ёрдамсиз қолган дарё орасидаги жангчиларда бу курашни узоқ вақт давом этдириш имконияти йўқ эди. Уларнинг малум миқдорда олиб борган озиқ-овқатлари тамом бўлгандан сўнг, душман қўлига асир бўлиб тушмаслик ва урушни давом этдириш чораларини кўрадилар. Булар 70 та кема ясаб, шу кемалар блан дарёнинг оёғига қараб юрадилар. Булардан қаттиқ зарба еган душман, Темур Маликнинг кетидан қувишни тўхтатмайди. Аммо, йўлда ҳам қаттиқ зарбага учрайди. Темур Малик ҳечбир қудай фурсатни қўлдан бермай, дарё қирғоқларидан туриб урушиб бораётган душманни қиришга интилди. Қувиб бораётган мўғул аскарларининг қораси кўриниши блан, кемаларни дарё қирғоғига буриб, уларни орқага чекинишга мажбур этар эди. Унинг қўлидаги камон ўқларининг ҳарбири, бир душман учун белгиланган бўлиб, ўқнинг хато кетишига урин йўқ эди. Бунгача, Сирдарёнинг

оёқ томонини ишғол этган мўғуллар кемаларни тутиб олиш учун дар'ёнинг бирнеча ерларига занжирлар ташлаган бўлсаларда, уларнинг бу ғовлари қилич зарбига чидам бермади. Ниҳоят, Темур Маликнинг бу қаҳрамонлиги Сирдар'ёнинг оёқ томонига кетган Жўжини ҳам ҳаяжонга солди. У, дар'ё бўйларига кўп миқдорда аскар қўйиб, Темур Маликни Жанд шаҳрида тутиб олиш учун кемалардан кўприклар ясашга мажбур бўлади. Ниҳоят, дар'ё устига кўприк ясашиб, унинг устига аскарлар ва оғир ҳарбий асбоблар ўрнаштирилади. Лекин мўғуллар Темур Маликка бу блан ҳам зарба беролмайдилар. Ўз қаршисидаги душмanning нималар қилишини илгаридан билган Темур Малик, Жандга етмай туриб дар'ёдан чиқиб, Хоразм томонига юрабошлайди. Унга бирнеча кун давомида, қуруқда ҳам урушиб, кўп мўғулларни қиришга тўғри келди. Унинг кетидан қувиб борган мўғулларнинг ҳаммаси деярлик ҳалокатга учради. Қаҳрамон Темур Малик эса, мингларча километр масофага чўзилган сув йўлини, сўнг қуруқликдаги қум саҳроларини қаттиқ урушлар блан кезиб, пойтахтга (Урганчга) етди. Темур Малик ҳаракати бу блангина тамом бўлмади. У, яна шимолга сафар қилиб, мўғуллар қулидан Жандни бир марта олишга муваффақ бўлган.

Ўрта Осиёнинг кекса, бой шаҳарларидан бўлган Самарқанд блан Бухоронинг ҳалқи ҳам мўғул босқинчиларидан ўз ватанларини мудофаа қиладилар. Лекин гарнизон бошлиқлари, ҳаммадан ҳам кўпроқ сотқин руҳонийларнинг хоинлик қилишлари натижасида, бу шаҳарлар жуда яхши беркитилгани ҳолда, душман қулига тез ўтди. Юқорида айтганимиздек, Чингизхон Ўтрорда ўз кучини бўлиб юборгандан кейин, ўзи кичик ўғли Тули блан аскарининг марказий қисми бошида туриб, Бухоро, сўнг Самарқанд устига юруш қилди. 1220 йилнинг февраль ойида мўғул аскарлари Бухоро қўрғонини ўраб олдилар. Шаҳарда 20 мингча аскардан иборат гарнизон бўлиб, урушнинг учинчи кунда булар ўз бошлиқларининг хоинлиги натижасида шаҳардан чиқиб, Амудар'ёга томон қочадилар. Лекин, аҳоли шаҳарни мудофаа қилишга яна қаттиғроқ киришди. Мудофаа ишини барбод беришга урунган сурбет уламолар, хўжа ва сайидлар яна бир кунлик урушдан сўнг тонг отар вақтида, мудофаачиларга билдирмай,

шаҳар дарвозаларини мўғул аскарига очиб бериб, йиртқиш Чингизхоннинг яланғоч қиличи шаҳар меҳнатқашлари бошига баландроқ кўтарилишига ёрдам берадилар. Лекин, ўз ватани учун курашда, ёппасига Чингизхон қирғинига учраган аҳоли қаторидан шуларгина қутилиб қолган бўлсалар ҳам, шаҳар мудофаасига хоинлик қилган бу сотқинлар мўғул отларининг туёқларини ялашга мажбур бўладилар. Рашидиддин, Бухоро забтини ёзиб, руҳонийларнинг хоинлигидан кейин мўғулларнинг шаҳарда қилган безориликларини мана бу тарзда тасвирлайди: „...Мўғуллар шаҳар омборларини очиб, ғаллаларини чиқардилар, китоб тутадиган сандиқларни отларига охур қилдилар. Шароб тўлималарини масжидга тўплаб, шаҳарнинг созанда ва хонандаларини бу ерга йиғдилар ва баланд овоз билан ўйин-кулги қилдилар. Мўғуллар ўз тилларида ашула айтдилар. Хўжалар, уламолар ва машойихлар (шайхлар) отбоқарлар ўрнида, отхоналарда отларни муҳофиза қилиб, уларнинг ҳукмини ижро қилдилар“.

Бутун аҳоли томонидан яхшигина мудофаа қилингани ҳолда, шаҳар гарнизони ва руҳонийларнинг хоинлиги натижасида Бухоро шаҳри мўғуллар қўлига тезда ўтган бўлса ҳам, Бухоро арки тўрт юз отлиқ аскар ёрдами билан яна 12 кун мўғулларга қарши урушиб, шаҳарнинг юраги қўлдан берилмади.

Ўрта Осиё шаҳарлари ичида мўғул босқинчиларини кўпроқ ўйлантирган шаҳар — Самарқанд эди. Мовароуннаҳрнинг бош шаҳри бўлган Самарқанд, ҳали мўғуллар Ўрта Осиё тупроғига қадам қўймаслариданоқ, мудофаага ҳозирланабошлаган эди. Шаҳар мудофаасини кучайтиришда, я’ни янги истеҳкомлар, деворлар бино қилишда керак бўладиган бутун нарсани топишни Самарқанд вилоятининг халқи ўз устига олган эди. Бу, шундай бир факт билан ҳам тасдиқ этилади: султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шаҳарни мўғуллар ҳужумидан сақлаш учун шаҳарни атрофлари билан ўраб оладиган 12 фарсах (70—80 километрлик) бир девор бино қилмоқчи бўлиб, бунинг учун халқдан уч йиллик солиқни бир йилда батамом йиғиб олади. Лекин у, девор бино қилдириш у ёқда турсин, биронта истеҳком ҳам бино қилмайди. Аҳолининг ўз ватанини ҳимоя қилиш учун оғир меҳнатлар билан топиб берган пулларини олиб, ўз бошининггина сақлаб қолишга интилди. Мудофаачилар ру-



ҳини шунчалик туширадиган ноинсофлик олдида ҳам, аҳоли, Мовароуннаҳрнинг қалбини харобликлардан омон сақлаб қолиш йўлида бор кучи билан курашди. Шаҳарнинг девор, дарвозаларини қаттиқ беркитдилар. Деворларнинг мустаҳкамланиши учун, тегига ёрдамчи деворлар бино қилдилар. Қўрғон атрофидаги кенг ва чуқур хандақни сув билан тўлдирдилар. Шаҳарда, аҳолидан бошқа мўғулларга қарши қуролланган 60 мингдан ошиғроқ аскар ва 20 бош фил бор эди. Девор, дарвозаларга ҳушёр соқчилар, гарнизонлар тайин этилган эди. Қисқа қилиб айтганда, шаҳарнинг мудофаага ҳозирланиш овозаси кенг тарқалган. Бу нарса, Ўрта Осиёга юруш қилиб келган мўғулларда ҳам ўз зафарларига шубҳалар туғдирган эди. Узоқ мамлакатларнинг халқлари, шаҳарни забт этиш учун йиллар керак деб, ҳақиқатни сўзлар эдилар. Шунинг учун ҳам, Чингизхон Бухоро йўли устидаги Самарқандни қолдириб, олдин Бухорони забт этишга, я'ни Самарқандни бошқа аҳамиятли пунктлардан ажратиб ташлашга ҳаракат қилди.

Чингизхон 1220 йилнинг март ойида бутун аскарлари ва йўлдан олдинган асирлари билан Самарқанд ташқарисига келиб, Кўк сарой исмли ерда ўз боргоҳини (лагерини) қуради. У, Бухородан Самарқандгача Зарафшоннинг икки томонидан юради, йўлда Сарипул билан Аббусия исмли ерлар унга қаршилик кўрсатади. Чингизхон, жуда катта кучи бўлсада, шаҳарга дарров ҳужум бошлайолмайди. У, шаҳар атрофида бирнеча кун юриб, уни қандай қилиб забт этиш кераклиги устида ўйлайди. Чингизхоннинг Утрорни забт этиш учун қолдирилган ўғиллари — Чигатой ва Ўғдой ўз аскарлари ва олган асирлари билан келиб, Чингизхонга қўшиладилар. Демак, Самарқандни забт қилиш учун мўғуллар бутун аскарларини тўплайди. Лекин, улар шу қувват билан ҳам шаҳарга ҳужум қилишдан қўрқадилар. Ўрта Осиёнинг бутун шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий халқнинг қаҳрамонона курашини кўрган, унинг қаттиқ зарбаларига учраган босқинчилар, ўзлари билан олиб юрган ҳисобсиз асирларни ҳам сафга тортиб, ҳар ўн киши олдига бир мўғул аскарни ва бир байроқ қўядилар. Ўзи кўп сонли бўлган мўғул қўшини, бу блан яна бирнеча марта ортиқ бўлиб кўринади. Чингизхон, гўё бу билан шаҳар мудофаачиларини қўрқитмоқчи бў-

лади. Ҳақиқатда эса, ўша асирларнинг ҳечбири бево-  
сита урушда иштирок этмади. Шаҳар атрофи мўғул  
аскарлари томонидан бутунлай ўраб олингандан сўнг  
уч кун ўтгач Олборхон, Шайххон, Молонхон деган  
саркардалар ва бошқа саркардалар ўз аскарларини бош-  
лаб мўғулларга қарши урушиш учун шаҳардан ташқар-  
рига чиқадилар. Бунда мўғуллар ҳам, мудофаачилар  
ҳам кўп талафотлар берадилар. Иккинчи куни ҳам,  
шаҳар ташқарисида қонли уруш давом қилиб турган  
бир пайтда, худди Бухородагидек, сотқин ва муттаҳам  
руҳонийлар шаҳардан чиқиб, Чингизхонга бош эгади-  
лар. Бу воқияни кўрган одамлардан ўз қулоғи билан  
эшитган автор Рашидиддин, руҳонийларнинг мудофа-  
ачиларга хонлик қилганларини тубандагича тасвир-  
лайди: „Иккинчи куни золим мўғуллар билан шаҳарли-  
лар орасида яна уруш бўлди. Бу вақтда тўсатдан қози  
ва шайхулислом бир гуруҳ уламолар билан Чингизхон  
хизматига чиқиб, унинг берган вадаларидан хурсанд  
бўлиб, шаҳарга қайтдилар ва эртаси куни тонг вақти-  
да намозгоҳ дарвозасини очиб бердилар. Мўғул аскар-  
лари шаҳарга кириб, шу куни девор дарвозаларини ер  
билан яксон қилдилар. Лекин мудофаачиларнинг ҳара-  
кати бу билан тамом бўлмади. Шаҳарнинг қаҳрамон  
курашчиларидан минг киши, султон Муҳаммад Хоразм-  
шоҳ томонидан бино қилинган масжиди жоми'га ки-  
риб олиб, курашни давом этдирди. Мўғуллар эса, пана  
жойдан туриб отилаётган ўқларга чидайолмай, мушак  
ёрдами билан масжидни ёндириб юборишга мажбур бў-  
ладилар, ва шу йўл билан мудофаачиларнинг зарбаси-  
дан қутиладилар. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки,  
юз минглаб мўғул аскарига қарши курашган мудофаа-  
чилар масжид ёндирилмаганда ҳам, у ерга кириб олиб  
галаба қозонишлари қийин эди. Лекин, бир томондан,  
хон руҳонийлар сотқинлик қилган пайтда, иккинчи  
томондан, ҳисобсиз мўғул аскарлари шаҳарни хароб  
қилиб, аҳолини юзлаб-юзлаб қиличдан ўтказиб турган  
бир пайтда, буларнинг оз бўлишларига қарамай, ку-  
рашни давом этдиришлари, шубҳасиз, мақташга арзи-  
гудек жасурлик, намунали ватанпарварлик эпизодидир.

Урта Осиё шаҳарлари ичида Хоразмшоҳлар пойтах-  
ти бўлган Урганч (эски Урганч) шаҳри ҳаммадан кўра  
кўпроқ ҳам узоқроқ қаршилик кўрсатди. Бу даврда  
ўзининг шайх-шавкати билан дунёга танилган Урганч

ва унинг области — Хоразм, сиёсий жиҳатдан устун бўлгани сабабли, босқинчилар бу ерга алоҳида э'тибор беришга мажбур эди. Чингизхон учун Хоразмни забт этиш ҳам буюк ва оғир бир вазифа эди. Шунинг учун ҳам у, Хоразмни забт этиш учун, бир томондан, Мовароуннаҳрдаги бирқанча амирлар қўл остидаги аскарларга, Чигатой блан Угдойга, иккинчи томондан, Сирдар'ё бўйларидаги Жўжининг кўпгина аскарларига Урганч томон бориш тўғрисида фармон беради. Тарихий манба'ларда баён қилинишича, Жўжи аскари келиб қўшилмасдан илгари Хоразмга юборилган мўғул қўмондонлари қўл остида юз мингдан ортироқ аскар бўлган. Малумки, султон Муҳаммад мўғуллар Мовароуннаҳрга ҳужум қилишларидан илгариёқ ўзининг салтанатидан воз кечган эди; шунинг учун мўғуллар Мовароуннаҳрда бўлган чоқларида Хоразмда тахт учун кураш ғоят қизиқ кетган эди. Султон Муҳаммаднинг Жалолоддин деган ўғли ҳукуматни қўлга олиб, мўғуллар блан урушишга интилган бўлса ҳам, феодалъ ҳукмронлиги шароитидаги ички қарама-қаршиликлар бу нарсага йўл бермади. Мамлакат кун сайин янгидан-янги территорияларни ишғол этиб келаётган ташқи душманининг қаттиқ ҳужуми арафасида турган бир пайтда, ҳарбий аристократлар шу тарзда реакцион ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу ҳаракати мамлакатни мудофаа қилишга жиддий киришган Жалолоддин блан юқорида номи зикр этилган Хўжанд ҳокими Темур Маликни Хуросонга кетишга мажбур этди. Мўғуллар ҳужуми вақтида Туркан хотиннинг яқин кишиларидан бўлган Хумортакин Хоразм тахтига кўтарилган эди. Пойтахтда сиёсий вазиятнинг шунчалик оғир бўлишига қарамай, шаҳар аҳолисининг жон-дил блан курашганлиги натижасида ўзини 7 ой ҳимоя қилади.

Чигатой, Угдой ва Жўжи аскарлари келиб қўшилмасдан бурун, Урганчга яқинлашган мўғул аскарлари, шаҳар атрофига разведкалар юбордилар. Бора-бора шаҳарнинг ўзига ҳужум қиладилар ва бу ҳужумларда қаттиқ зарбаларга учраб, орқага чекинадилар. Чигатой ва Угдойнинг келиши блан, мудофаа чоралари яна жиддийлашади, мўғуллар ҳужуми эса яна кучлироқ бўлади. Шундан сўнг буларга ёрдамга Жўжи аскарларининг келиб қўшилиши, уруш ваҳимасини ошириб юборади. Чингизхоннинг уч ўғли ва энг яхши амирла-

ри кўл остидаги юз мингдан ортиқ танланган аскарлари, Урганчи ўраб олади. Ўз ваҳимаси билан ер ва кўкни титратган мўғул аскарлари, ҳар томондан дарвозаларга ҳужум қила бошлайдилар. Ўрта Осиёнинг забт қилинган ерларидан олинган ҳисобсиз асирларни шаҳар қўрғонини ўраб олган катта чуқур хандақни тўлдириш, шаҳар деворларини йиқитиш учун уларнинг тегига чуқурлар қазишга мажбур этадилар. Урганч устидаги мўғуллар урушининг даҳшати шунгача етдики, бошлаб шаҳарни аскарий куч билан мудофаа қилишга киришган Хоразм ҳукмдори Хумортакин мўғул аскарлари даҳшатидан қўрқиб, мудофаачиларга хоинлик қилади. У, чиқиб мўғулларга таслим бўлади. Лекин ўз ватани учун курашаётган шаҳар аҳолиси ҳукмдорнинг хоинлигига, қуроли мўғул қўшинининг кўплигига қарамай, курашни қаҳрамонларча давом этдиради. Ўрта Осиёга мўғуллар ҳужумини тарихий манба'лар асосида мукамал ёзган академик Бартольд, Урганч халқининг ҳақиқий ватанпарварлигини мана шу сўзлар билан ифодалайди: „Султоннинг хиёнати халқни бир даража руҳсизлантирса ҳам, шаҳарни мудофаа қилиш давом этади ва Ҳисор устига байроқларини тиккан мўғуллар, шаҳарнинг ҳарбир маҳалласини, ҳарбир кўчасини қаттиқ кураш билан олишга мажбур бўлдилар. Мўғулларидишларни ёнилғилар билан тўлдириб, уйларга ташлайдилар ва ёндирадилар. Шаҳарнинг яримидан кўпи хароб этилса ҳам, мўғуллар ёнғинларнинг шаҳарни секин-секин хароб этишига қаноат қилмай, шаҳарни сувга бостиришга қарор қилдилар. Шаҳардан ўтадиган ариқ устида, шаҳарнинг марказида бир кўприк ишланди. Уч минг мўғул кириб бу кўприк устида иш бошламоқчи бўлиб турган вақтида, хоразмдилар уларга ҳужум қилиб, ҳаммасини қириб юбордилар. Бу ҳол аҳолига жасорат берди ва шаҳарни мудофаа қилиш учун кураш аввалгидан зиёда кучайтирилиб давом этдирилди“.

Унларча маҳаллалардан иборат бўлган бу катта ўрта аср шаҳрининг уч маҳалласи қолгунча халқ мудофаа курашини давом этдиради. Бу воқиаларни ёзиб ўтган автор Ибнуласирнинг ма'лумотиغا кўра, шаҳар мўғуллар томонидан забт этилгунича маҳаллий халқ билан мўғул аскарлари ўртасида бўлиб ўтган узоқ ва қонли урушда Урганч халқидан кўра мўғуллар кўпроқ қирилган. Мўғул аскарларининг бош суякларидан ша-

ҳар атрофида шаҳар харобасига ўхшаш катта тепалар. миноралар пайдо бўлган. Бу суяк тепалари XIII аср охирида, XIV аср бошларида ўтган Рашидиддин замонидан, Урганч харобаси ёнида қўшимча хароба бўлиб кўринган ва узоқ замонларгача мудофаачилар қаҳрамонлигини эслатучи моддий ёднома бўлиб қолган.

Ўрта Осиё тарихида ўзининг ҳар жиҳатдан устунлиги билан танилган қадимги Марв шаҳри ҳам 1221-нчи йилнинг бошларида мўғуллар ҳужумига учрайди. Хурросонни забт этиш учун Чингизхон энг талантли саркардалардан бўлган тўртинчи ўғли Тўлани юборади. Малумотларга қараганда, унинг 70—80 минг аскардан иборат қўшини бўлган. Марвнинг собиқ ва янги ҳокимлари Ўрта Осиёга мўғулларнинг ҳужум қилганини кўра туриб, душманга қарши чиқишга ҳозирланиш ўрнига, узаро уруш бошлайдилар. Бири иккинчисига қарши туриб, мўғул отрядларини шаҳар устига бошлаб олиб келадилар. Мўғулларга элчилар юбордилар. Марв шайхулисломни эса, бошдан ҳам босқинчилар томонида бўлиб, бу тўғрида Сараҳс қозиси билан махфий иш олиб борган эди. Шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли — туркманлар ва мўғуллар зулмидан бошқа ерлардан жон сақламоқчи бўлиб қочиб келган кишилар мўғулларга қарши курашга қаттиқ киришадилар. Ҳукмдорлардан қайси бири шаҳарни мудофаа қилишга ҳаракат этса, улар ўшанинг томонига ўтадилар. Шундай қилиб, Марв ва унинг атрофидаги аҳоли мўғулларга қарши кураш байроғини кўтарган бир пайтда, шаҳарнинг ҳукмрон доиралари қайси йўл билан бўлмасин, я'ни мўғуллар билан келишибми, ёки уларга қарши урушиш йўли биланми ўз мақсадларини амалга оширишга интиладилар. Буни мана шу воқиядан равшан кўрамиз:

Султон Муҳаммад Муджарулмулкни олиб ташлаб, унинг ўрнига Бехалмулк деган кишини қўйган эди, буниси ўзининг ўрнига бировни қўйиб, шаҳарни ташлаб кетади. Шаҳар ҳокимиятига қолган у киши ҳам шайхулислом сингари мўғулларга урушсиз таслим бўлиш тарафдори эди. Шу орада султон Муҳаммаднинг Буқа исмли бир амири келиб, шаҳарни забт қилади. У мўғулларга қарши уруш э'лон қилганидан кейин жуда қисқа бир вақт ичида бутун халқ унинг атрофига тўпланади. Бу воқиа ҳақида мукаммал малумот қолдирган автор Жувайнийнинг айтишича, Буқа атрофига унинг

тарафдори бўлган туркманлар, мўғулларга итоат этишдан бош тортган шаҳар аҳолиси ва султон Муҳаммаднинг турли томонлардан йиғилган аскарлари тўпланади. Шу орада Марвнинг эски ҳокими Муджарулмулк шаҳарга келади. Қизиғи шундаки, у шаҳарни мудофаа этишга қарор берган Буқанинг атрофига тўпланган халқдан қўрққанидан, шаҳарга тезда ҳужум қилаолмайди. Натижада, 70—80 минг аскардан иборат бўлган Марв қўшини блан туркманлар Буқадан айрилиб, Муджарулмулкка қўшилганларидан сўнг, у, шаҳарни забт этишга муваффақ бўлади. Муджарулмулк ҳам шаҳарни мудофаа қилмоқчи бўлади. Унинг блан шайхулисом ўртасида кураш бошланади; охири у шайхулисомни ўлдириб, гавдасини парча-парча қилиб, шаҳар халқига кўрсатади. Шаҳарнинг Муджарулмулкдан олдин ҳокимлик қилган амири унга қарши бир миқдор мўғулларни олиб келган бўлса ҳам, бу уруниш, унинг ўзига зарар бўлиб чиқди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин Амуя ҳокими Ихтиёриддин шаҳарнинг мўғуллар томонидан олингани ҳақида хабар келтиради ва Марвда жуда ҳам яхши қарши олинади. Ихтиёриддин изидан қувиб келмоқда бўлган 800 кишилик мўғул отряди, шу замонда Хоразмдан Марвга келаётган Шайхон ва Ўғилхоннинг аскарларига тўқинишиб, тор-мор келтирилади. Мўғуллардан 60 киши асир олинди, Марвга келтирилади. Кейин бу амирлар ҳам Марвга ҳоким бўлишни истадилар. Булар Дастажирга бориб, унда аскар тўплаб, Муджарулмулкка қарши юруш қилдилар. Лекин улар мақсадларига эришмай, фақат шаҳар атрофини талаб, қайтиб кетдилар. Мўғулларнинг асосий кучи ҳужум қилишдан олдин ҳоким табақанинг тутган позицияси шундай эди. Ўз ватанини мудофаа қилишга бел боғлаган халқ, ташқи душман келмасдан бурунроқ булар ўртасидаги курашда таланмоқда эди. Шундай бўлса ҳам, халқ мудофаа ишини сусайтирмади.

Марв бу даврда жуда мустаҳкам бўлиб, баланд девор блан ўралган, атрофига чуқур ва кенг хандақ қазилган эди. Тўлихон ўз аскарлари блан келганидан кейин, олти кун давомида шаҳар атрофида юриб, стратегия жиҳатидан энг аҳамиятли бўлган пунктларни қўлга олади. Шаҳар аҳолиси икки марта чиқиб мўғуллар блан урушади. Лекин ҳали уруш қизимасдан илгари, шаҳар ҳокими Муджарулмулк хоинлик сари

қадам ташлайди. У, шаҳар имоми Жалолиддинни мўғулларга элчи қилиб юборади. Жалолиддин бориб, мўғулларга 200 минг динор пул, 30 минг ҳарвор ғалла, 100 та йурға от, 100 та хинди ва турк қулини беришга ва'да қилиб қайтади. Шундай қилиб, Марв ҳокими мўғул аскарларини шаҳарга киритади.

Мўғуллар, шаҳар халқини тўрт кечаю-кундуз ичида бутунлай қириб ташлайдилар. Бу қирғиндан, фақат 400, иккинчи бир малумотга кўра 40 та ҳунарманд қутулиб қолади. Мўғуллар шаҳарни урушсиз деярлик қўлга киритган бўлсалар ҳам, уни атайлаб бутунлай хароб қилдилар. Девор дарвозалари, бинолари, сув тўғонларини ер блан яксон қилдилар. Шаҳар фақат икки асрдан сўнг, XV асрнинг бошларидагина булак бир жойга қайтадан қурилади.

Муттаҳам руҳонийлар блан ҳокимларнинг хоинлиги натижасида шунча фалокатларга учраган мудофаачилардан битта-яримта қочиб қутилган кишилар ўз бурчларини адо этишдан қайтмадилар. Мўғуллар томонидан қолдирилган ҳокимлар бошқа шаҳарлардаги ҳаракатларни бостириш учун чяқиб кетишлари блан, булар ҳам йиғилиб, мўғулларга қарши ҳаракатни бошлайдилар. Шаҳар ҳокими қайтиб келганда уни шаҳарга қўймайдилар. Буларга Қўштигин деган бир киши раҳбарлик қилади. Лекин Хуросонда юрган мўғул отрядлари, бу ҳаракатни бостириш учун Нахшаб амирларини чақирадилар. Мўғуллар яна талай куч йиғиб, шаҳар устига юруш қиладилар. Қаттиқ кураш бошланади. Лекин қуроолланган мўғул аскарлари блан бу ҳаракатни бостиришга муваффиқ бўладилар. Мўғуллар шаҳарга гарнизон қўйиб қайтадилар. Бу гал шаҳарнинг қолган-қутган бинолари ҳам хароб этилади. Ундаги халқ қирилади. Лекин бу блан кураш тамом бўлмади. Қочиб кетганлар ва қишлоқ аҳолисидан яна 10 минг киши йиғилиб, бир вақтлари Марвда 6 ой амирлик қилган Арслон деган бир кишини бошлиқ қилиб кўтариб, фожиали суратда ҳалок бўлган ака-укалари, ота-оналари, ёр-оғойнларининг учини олмоқчи ва ер блан яксон этилган ватанни ваҳшийлар қўлидан қутқармоқчи бўладилар. Албатта, ҳамма ёқни қон блан суғорган мўғул одамхўрлари қаршисида, бу 10 минг кишилик қўшин арзимас бир куч эди. Лекин бу воқиянинг қиймати шундаки, у халқнинг, то битта қолгунча, ўз ва-

зифасини бажаришдан бош тортмаганлигини кўрсатади. Бунга халқ ўз ихтиёри билан ўзини сафарбар қилди. Кофирларга қарши урушга халқни ташвиқ қилиб юручи сотқин руҳонийлар ва ҳокимлар мусулмон бўлмаган шу мўғуллар томонига ўтиб, ўзларини омон сақлаб қолган пайтларида ҳам, халқ уруш майдонида битта қолгунча кураш байроғини қўлдан қўймади.

Хоразмшоҳлар хонадонидан биргина султон Муҳаммаднинг ўғли султон Жалолиддин, мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. У, бошлаб давлатнинг маркази бўлган Хоразмни мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилишга урунган бўлсада, пойтахтда унга қарши оппозиция жуда авж олиб кетганлиги бу нарсага йўл бермади. Шунинг учун у Хоразмдан кетиб, Амударёнинг жанубий томонларида мўғул аскарлари билан қаҳрамонларча курашди. Жалолиддин Хоразмдан жўнаганида, Хуросонда Тахучар қўл остидаги мўғул аскарлари бор эди. Жалолиддиннинг Хуросонга қараб юришини эшитган Чингизхон бу кучли ва талантли рақибнинг ўзига қарши қандай оғирликлар туғдиришини билар эди. Шунинг учун у, Жалолиддиннинг йўлини кесиш мақсадида Хуросоннинг шимолий томонларига махсус аскарлар юборади. Жумладан, Нисо шаҳрига 700 отлик аскар юборган эди. У ерда Жалолиддин ўзининг 300 аскари билан мўғулларнинг 700 аскарига ҳужум қилади. Уруш жуда ҳам шиддатли ва қизғин бўлади. Оқибатда Жалолиддин аскарига нисбатан икки ярим ҳисса кўп бўлган мўғул отлик аскарлари бутунлай тормор келтирилади. Уларнинг омон қолган озгина бир қисми бутун озиқ-овқатларини, кийим-кечакларини, қурол-аслаҳаларини ташлаб, зўрға қочиб кетадилар. Бу ғолибона ҳарбий операция Хуросондаги мўғул аскарларининг руҳини бутунлай тушириб юборади. Шунинг учун ҳам Жалолиддинни кутиб олиш учун юборилган мўғул аскарининг қисмлари у Нишпур ва Ҳиротдан ўтиб, Қандаҳор чегараларига боргунича унга ҳечқандай жиддий қаршилик кўрсатаолмайдилар. Қандаҳор яқинида Саджистоннинг Аминалмулк қўл остидаги 10 минг аскар келиб Жалолиддинга қўшялади. Жалолиддин бу янги куч билан Қандаҳор вилоятини забт этиш мақсадида урушаётган катта бир мўғул аскарининг қисмига ҳужум қилиб, уни бутунлай енгиб ташлайди.



Жалолоддин Ғазна ва Бомиён ўртасидаги Парвона ёнида мўғулларга қарши яна бир ғолибона ҳужум қилади. Бошлаб Жалолоддин Валиён кўрғонини ишғол қилган мўғул отрядига қаттиқ зарба беради. Мўғуллар уруш майдонига минг кишини қолдириб қоча бошлайдилар. Улар Панжшёр сувидан ўтгандан кейин унинг кўпригини бузиб ташлайдилар. Шу блан улар орқаларидан қувиб келаётган Жалолоддин аскарини бирқадар тўхтатишга ва Чингизхонга етиб олишга муваффақ бўладилар.

Бу воқиа, Чингизхоннинг юрагига яна каттароқ хавф солиб қўйди. Жалолоддинга қарши юборилган аскарларнинг мағлубиятга учраши, шубҳасиз, Чингизхонни ларзага келтиради. Шунинг учун у, Жалолоддинга қарши букунгача кетма-кет ғалабаларга эришиб келаётган энг яхши аскар бошлиқларидан ҳисобланган Шаки-Хутуху Нўён қўл остида 45 минг аскар юборди. Жалолоддин ҳам ўз аскарларининг оз бўлишига ва турли қабилалардан иборат бўлишига қарамай, унга қарши чиқади. Парвонадан бир фарсах масофада икки орада қаттиқ жанг бўлади. Жалолоддин аскарларининг ўнг қапотиғи — Аминалмулк, сўл қапотиғи — Ограк идора этади. Мусулмонлар отларидан тушиб, пиёда бўлиб уриша бошлайдилар. Бу шиддатли уруш икки кун давом қилади. Мўғул аскарлари заифлана бошлагандан кейин, Шаки-Хутуху Нўён урушнинг иккинчи кечасида, ўз аскарларига, отлиқ аскарлар шаклида кийгиздан қўғирчоқлар ясашга фармон беради. Бу блан мўғул аскарларига янги куч (ёрдам) келган қилиб кўрсатиб, Жалолоддин аскарларини қўрқитмоқчи бўлади. Лекин уларнинг бу макрлари ҳам фойда бермайди. Жалолоддин битта-яримта қўрққан аскарларига ҳам бу нарсанинг макр ва ҳийла эканлигини тушунтира олди ва уларни, албатта ғалаба қозонамиз, деб руҳлантирди. Бу нарса ҳақиқатан мўғул аскарларининг кучсизланиб қолганлигини очиб бергандан кейин, Жалолоддин отдан тушиб урушаётган аскарларига отлиқ бўлиб урушиш тўғрисида фармон беради. Бирданига мўғулларга ҳужум қиладилар. Мўғулларнинг 45 минг аскари бутунлай қирилади. „Енгилмас“ саркарда Шаки-Хутуху Нўён озгина аскари блан зўрға Чингизхоннинг улуғ даргоҳига қочиб боришга муваффақ бўлган эди.

Бу урушда мўғуллар бундай кучли зарбани биринчи марта кўрдилар. Жалолоиддиннинг бу қаҳрамонона ҳаракати натижасида душманнинг мағлубиятга учраши, мўғуллар томонидан ишғол этилган Амудар'ёнинг жанубий томонларидаги шаҳар ва қишлоқларнинг мўғуллар қўлидан чиқиб кетиши учун имконият туғдирди. Чингизхоннинг ўзи томонидан забт этилган Балх, қорлуқлар қўлига ўтиб кетади. Жуда кўп жойларда ерли аҳоли қўзғолон кўтариб, мўғул гарнизонларини биттама-битта ўлдириб, у ерларни ўз қўлларига олабошладилар. Бу ерлардаги ҳисобсиз мўғул аскарлари асир бўлади. Аҳоли улардан ўч олабошлайди. Айрим мусулмон қабилалари мўғул аскарларининг қулоқларига қозиқлар қоқиб, Жалолоиддин ҳузурига олиб борадилар.

Жалолоиддин ҳеч нарсага қарамай, фақат мўғулларга зарба бериш учун бор кучини сарф қилган бўлса-да, мўғуллар устидаги бу ғалабадан кейин, унинг аскарбошлиқлари орасида ўлжа моллар юзасидан талаш бошланади. Натижада, Сайфиддин Оғроқ, А'зам Малик ва Музаффар Маликлар Жалолоиддиндан ажралиб кетадилар. Жалолоиддиннинг ёнида биргина Аминалмулк қолади. Жалолоиддин бу ички бузулишни қисқа вақт ичида бартараф қилаолмайди.

Юқоридаги мағлубиятдан сўнг мўғулларнинг асосий қисми Чингизхоннинг ўзи билан бирга Жалолоиддинга қарши юради. Бу сафар ҳам Жалолоиддин Ғазна шаҳридан бир кунчалик жойда мўғулларнинг олдинги отрядларини мағлуб этади. Кўп куч билан неча марта-лаб унга қарши юрган мўғуллар, жуда кўп талафотлар бериш билан бўлса ҳам, бу ашадди душманлари билан курашишни тўхтатмадилар. Лекин Жалолоиддин шунда ҳам ўзининг ҳақиқий қаҳрамонлигини кўрсатади. Мўғуллар билан уруша-уруша, Ҳинд дар'ёсигача бориб етди. Ҳинд дар'ёси бўйида ҳам Чингизхон аскарлари билан Жалолоиддин аскарлари ўртасида катта уруш бўлади. Жалолоиддин аскарининг, ўз қўл остидаги марказий қисми, мўғул аскарининг Чингизхон бошқарган марказий қисмига ҳужум қилиб, бунда ҳам мўғул аскарларини орқага чекинтиради. Ба'зи малумотларга қараганда, Чингизхоннинг ўзи бу жангда қочиб қутилган. Лекин Жалолоиддин аскарларининг бошқа қанотлари, мўғуллардан енгилади. Бундан сўнг ҳарбий

ҳолат Жалололидинни Ҳинд дар'ёсидан ўтишга мажбур этади. Ўз онаси, хотини ва бошқа яқин қариндош-уруғларини дар'ёдан ўтказиш қийин бўлганлиги учун, мўғуллар қўлига асир тушмасин, деб ўз кўзи олдида дар'ёга ташлатдиради. Ўзи, от блан ўтиб бўлмайдиган дар'ёга отнинг бошини буради. Жалололидин аскарларидан тўрт минг киши дар'ёдан эсон-омон ўтади. Мана шундан кейин Чингизхоннинг унга қарши юборган 20 минг аскарни унга битта ҳам ўқ узолмайди.

Мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги ҳужумлари, ҳамма ерда ерли халқнинг кучли қаршилигига учрайди. Бу курашлар буюк Хоразмшоҳ давлатининг шавкатли султони Муҳаммаддан тортиб, унинг шаҳарларга қўйган гарнизон бошлиқлари, аскарбошилари ва бутун руҳонийлар табақасининг хоинлиги, я'ни мудофаа этилган шаҳарлардан қочиб кетишлари, шаҳарларнинг мустаҳкам дарвозаларини босқинчиларга яширин равишда очиб беришларига қарамай, мўғуллар бу ерда катта талафотлар бердилар. Халқ бор кучи блан курашди. Кенг Ўрта Осиёда ерли аҳолининг бу қаҳрамонона кураши яхши уюштирилганда, иккинчи томондан, юқоридаги элементлар ўз халқига, ўзининг мустақил ҳаётига ва она ватанига хоинлик қилмаганларида, бу курашнинг ғалабага олиб бориши шубҳасиз эди.

\*

Мўғуллар ҳужуми улар забт этган ерларнинг аҳолиси бошига жуда оғир кунларни солди. Улар, забт этилган шаҳар ва қишлоқларни бутунлай хароб қилдилар. Шаҳарларнинг девор, дарвозаларини, азамат қўрғонларини, ҳашаматли биноларини ер блан яксон қилдилар. Сув тўғонларини буздилар. Жамоат бинолари ва аҳолининг уй-жойларини ёндирдилар. Ўрта Осиёнинг Утрор, Хўжанд, Бинокат, Бухоро, Самарқанд, Термез, Марв, Балх сингари кекса ва катта шаҳарларини харобазорга айлантirdилар. Буюк Хоразмшоҳлар пойтахти, катта савдо маркази бўлган Урганчининг кўркам бинолари сув остида қолди. Мўғул аскарларининг ифлос қадами теккан ҳарбир ер харобага айланди. Ўрта Осиёнинг унумли деҳқончилик ерлари топталди. Эски сун'ий суғориш системаси емирлиди. Аҳолининг мол-

мулки игнасигача таланди. Кўпчилик халқ босқинчи мўғул аскарлари томонидан чопилди. Сонсиз кишилар қулликка тушди. Мўғуллар қирғинидан Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида ўз ватанига хиёнат қилган сотқинлар ва ўликлар остида яшириниб қолган битта-яримта кишиларгина қутулиб қолди.

Бухорога мўғуллар ҳужум қилган вақтда Хуросонга қочган бир кишига хуросонлилардан бири: „Аҳволингиз қалай, Бухорода нима ишлар ва қандай воқиялар юз берди?“ деб савол берган. Бухороли: „Келдилар, осдилар, кесдилар, ёндирдилар, ўлдирдилар ва молларимизни таладилар“, —деб жавоб беради. Бу воқияни баён этган XV аср тарихчиси Хондамир: „Бухорода мўғул лашкари кўрсатган ёвузликларни баён қилиш учун форс тилида бундан қисқароқ иборани топиб бўлмайди“, дейди. Ҳақиқатан, мўғуллар ҳужуми натижасидаги харобаликларни ифодалашга қалам ожизлик қилади.

Мўғуллар забтидан сўнг, мамлакатнинг барқ уриб турган маданий марказлари, мудҳиш харобалар тусини олди, хароб қилинган ҳайбатли биноларнинг жим-житлигини қушларнинг чириллаган овозларигина бузадиган бўлди. Қақраган саҳрога айлантирилган обод экин далаларида қонга бўялган ўликларга ёпирилган қузғунлардан бошқа жон эгаси кўринмас эди.

Бундан 700 йиллар бурун мўғуллар томонидан хароб этилган ерларнинг қолдиқлари, Ўрта Осиёнинг катта чўллари, қум ва саҳроларини бу кунда ҳам босиб ўтучиларга утган замонларда, бу ерларда гуллаган, маданиятли ҳаёт бўлганлигини кўрсатиб туради. Мамлакатимизнинг экинзорлари орасида ва Ўрта Осиёнинг қайтадан қурилаётган шаҳарлари ёнидаги табиий тепаларга ухшаб қолган харобаларни кўрган киши, уларни хароб қилган босқинчиларга, йиртқич ва қонхўр Чингизхонга яна бир марта нафрат ўқийди.

## **ЎЗБЕК ҲАЛҚИНИНГ ВАТАН УЧУН ҚИЛГАН КУРАШЛАРИДАН БИР ЭПИЗОД**

XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлиги йиқилгандан кейин мамлакат жуда майда амирликларга бўлиниб кетди. Фақат Шарқий Туркистон

блан Еттисув<sup>1</sup> территориясидагина мўғул ҳукмронлиги қолади. Умуман бу даврда, бир томондан, ўнлаб йиллар давомида Мовароуннаҳрнинг юқорида айтилган амирликлари ўртасида ўзаро уруш-тортишлар бўлиб турса, иккинчи томондан, бу ерга Шарқий Туркистон ва Еттисувдан мўғуллар муттасил ҳужумлар қилиб турар эдилар. У даврда мамлакатнинг сиёсий аҳволи ана шундай эди.

Кучли ҳарбий қувватга эга бўлган мўғул хони Туғлуқ Темур шу асрнинг 60-нчи йилларидан сўнг Мовароуннаҳрни бирнеча марта босиб олишга муваффақ бўлди. Юқорида айтганимиздек, Мовароуннаҳрнинг майда ҳукуматларга бўлинганлиги мўғулларнинг босқинчилик ҳаракати учун кенг йўл очади. Лекин бора-бора мўғул аскарлари бу ерда кучли зарбаларга учрайдилар.

Мўғулларнинг биринчи ҳужуми давридаёқ, ўзининг кучли ҳарбий билими блан тарих саҳнасида кўринган ва аллақачон сиёсий карьерасини бошлаган Темур<sup>2</sup> ва унинг иттифоқчиси Амир Хусайн<sup>3</sup> мўғулларга қарши 3—4 йил давомида тўхтовсиз кураш олиб борадилар.

Темурнинг ҳарбий илми ғоятда яхши билиши, ҳарбий тактикада ўтакетган даражада уста ва мустақил бўлиши, унинг душманга нисбатан ботирлик хусусиятлари, бутун ғалабаларнинг гарави эди. У 1360—1365-нчи йилларнинг орасидаёқ мўғулларнинг кучли армиясига қарши, ўзининг сони оз навкарлари блан ҳужум этган ва кўп жангларда ҳисобсиз босқинчи мўғул аскарларини тор-мор қилган эди. Воқияни ойдинлаштириш учун бу жанглардан бир эпизодни келтирамиз: Туғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга биринчи ва иккинчи ҳужумида Темур турли ҳийлалар блан Шаҳрисабз вилоятининг ҳокимлигида қолишга муваффақ бўлса-да, у Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлигига қарши ҳаракат қилабошлайди. Бу нарса уни 1362—1363-нчи йилларда Мовароуннаҳрдан вақтинча воз кечишга мажбур этади.

<sup>1</sup> Шарқий Туркистон — ҳозирги Қашқар, Еттисув — ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистонда ўрнашган бир вилоятнинг исми эди.

<sup>2</sup> Темур — 1336 йилда Шаҳрисабз атрофида туғилади. Отаси Амир Тарағай Барлос уруғининг бошлиқларидан бўлган.

<sup>3</sup> Хусайн — Мовароуннаҳр амирларидан Амир Қозоғоннинг набираси бўлиб, мўғуллар ҳужуми олдида Самарқанд амири эди.

Темур Амир Хусайн блан бирга ҳозирги Туркменистон тупроғида қолади. Улар гоҳ майда туркман тўдалари блан урушиб, ҳатто бир марта асир ҳам тушганлар, гоҳ бир-бирларидан айрилиб кетиб, яна бир-бирлари блан бирлашиб юрганлар. Туркменистондан кетгандан кейин Амударё буйларида, ундан сўнг Сайистонда,<sup>1</sup> куч йиғиш мақсадида бўлса керак, уруғлар ўртасидаги урушларда иштирок қилиб юрадилар. Шундай қилиб, бутун куч-қувватдан айрилган Темур ва Хусайн, яна бир миқдор аскар тўплашга муваффақ бўлганларидан сўнг, булар мўғуллар блан курашишга бевосита киришадилар. Темур блан мўғул аскарлари ўртасидаги биринчи катта уруш, Пули Сангин<sup>2</sup> деган жойда бўлади. Бу ерда Темур икки минг аскари блан мўғулларнинг 20 минг аскарига ҳужум қилади. Бу тўқинишда Темур кучли душманга ўзининг моҳир тактик эканлигини кўрсатади. Темур қийинлик блан йиққан аскарини, душманнинг 20 минг аскари панжасида нобуд қилмаслик учун тоғлар орасида турган душман аскарининг кучини аниқлаб олади ва сўнгра ўз аскарларини иккига бўлади. 500 аскарини душман қаршисида қолдириб, қолган 1500 аскарига атрофидаги тоғларнинг тепасига чиқиб, ҳамма жойга ўт ёқишни буюради. Баланд тоғ тепаларида ёнабошлаган ўтларни кўрган мўғуллар, бизни ҳисобсиз қўшин қуршаб олипти, деб ўйлаб, орқага чекинишга мажбур бўладилар. Бу зафардан сўнг, Темур 2.000 кишидан 300 отлиқ аскарни ажратиб олиб, булардан икки юзини беш аскарбошлиғи блан Шаҳрисабзни забт этиш учун юборади. Буларни тўрт қўшинга бўлиб, отларининг икки томонига икки боғдан сер япроқ шоҳлар боғлаб олишни буюради. Бу отлиқлар, шоҳларни судратиб, кўчаннинг чанг ва тупроқларини осмонга кўтариб, Шаҳрисабз устига юрадилар. Шаҳрисабзнинг бу ҳайбатли воқиядан қўрққан мўғул амирлари ўзларининг минглаб аскарлари блан Шаҳрисабзни ташлаб қочишга мажбур бўладилар. Темур эса, 1700 аскарини Дарбандда<sup>3</sup> қолдириб, ўзи юз киши блан бориб, Ҳисор ва

<sup>1</sup> Сайистон — Амударёнинг жануб томонидаги вилоятларидан бири.

<sup>2</sup> Пули Сангин — Тожикистон ССР да тоғлиқ бир жой.

<sup>3</sup> Дарбанд — Шаҳрисабз блан Термез ўртасида бир стратегик пункт.

Ғузур томонларини мўғуллардан тозалайди. Темурнинг мана шундай тактикали ҳаракатлари натижасидагина бутун Мовароуннаҳр 1364-нчи йили мўғул амирлари панжасидан қутқарилади. Мовароуннаҳрдаги бир-бирларини талаб юрган ҳамма амирлар ҳарбий тарихни тамом янги воқиалар блан бойитган бу таланти саркардага қойил бўлиб, унга итоат этишга мажбур бўладилар.

1364-нчи йили Мовароуннаҳрда амир Ҳусайн ва Темур ҳукмронлиги тикланган бўлса-да, мўғул амирлари ўзларининг босқинчилик ҳужумларини тўхтатмадилар. Булар 1365-нчи йили яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилдилар. Бу гал Темур блан Ҳусайн мўғулларни Мовароуннаҳрга киргизмаслик учун тезда уларга қарши чиқадилар. Мўғул аскарлари Мовароуннаҳр аскарлари блан Лой деган ерда<sup>1</sup> уруш қиладилар. Бу урушда Мовароуннаҳр томони тамомила енгилди. Енгилшнинг сабаби—Мовароуннаҳр аскарининг озлиги эмас, балки қўшиннинг ўнг ва чап қаноти бошида турган Темур блан Ҳусайн ўртасида, уруш қизиган бир пайтда, жанжал чиқишидир. Темур бошлиқ чап қанот душманининг ўнг қаноти устидан ғолиб келган бир пайтда, Ҳусайн бошлиқ ўнг қанот душманининг чап қаноти томонидан енгилди. Бу мағлубиятнинг бошланиши блан Ҳусайннинг руҳи тушиб, урушмасликка қарор бериш даражасигача бориб етади. Мардларча урушаётган Темур, Ҳусайнни ўз ишидан огоҳлантириш учун, олдига кўп одамлар юборган бўлса ҳам, Ҳусайн Темурнинг юборган кишиларини ғазаб блан жазолайди. Албатта, душманга қарши урушаётган аскар ёки унинг бошлиқлари ўртасида бундай ҳолларнинг вужудга келиши, шубҳасиз, мағлубиятга олиб боради. Бу икки-уч кунлик уруш, шу қадар шиддатли эдики, урушаётган ҳар икки томондан ўн минг киши нобуд бўлади. Мана бу қаттиқ мағлубиятдан сўнг Темур блан Ҳусайн, шунчалик ҳарбий билимлари ва катта ҳарбий тажрибалари блан, мўғул аскарларига қарши урушни ортиқ давом этдираолмай қоладилар. Булар Мовароуннаҳрни ва унинг бош шаҳри бўлган Самарқандни ўз ҳолига ташлаб, Афғонистонга кўчиб кетадилар.

\*

---

<sup>1</sup> Л о й — Чирчиқ блан Оҳангарон дар'ёлари ўртасида.

Лой жангидаги ғалабалардан сўнг мўғул аскарлар жануб томонга юрабошлайдилар. Лекин булар, Самарқанд халқи томонидан қутилмаган сўнги қаттиқ зарбага учрайдилар. 1365-нчи йилнинг кузида мўғулларнинг толонлари ва оғир зулмларига мубтало бўлиш олдида турган шаҳар аҳолиси, ўз ҳолига ташлаб қўйилган Самарқандни мудофаа этишни ўз устига олди. Шаҳарни мудофаа этиш шароити жуда оғир бўлишига қарамай, улар босқинчи мўғулларга қарши қурол кўтардилар. Жума кунларидан бирида Самарқанднинг бутун аҳолиси масжиди жоми'га тўпланди. Буларнинг орасидан Мавлонозодаи Самарқандий деган бир киши масжид минбари устига чиқиб, халққа қарата бундай деб мурожаат қилди: „Ё маш'аралмуслимин (мусулмонлар жамоати), бугун ғолиб кофирлар мусулмонларнинг хону-мон ва жонлари қасдига келганлар; божу-хирож номи блан мусулмонлардан жүзия олиб, уни ўзларича харж этиб юрган амирлар (Темур ва Ҳусайн), душманнинг пайдо бўлиши блан, мусулмонларни ўз ихтиёрига ташлаб қочдилар. Бу шаҳарнинг аҳолиси, ҳарқанча гарав ва ҳадия-эҳсонлар берсалар ҳам, бу балодан қутидаолмайдилар“. Мавлонозоданинг бу нутқидан сўнг масжиди жоми'га йиғилган халқ ташқи душмандан шаҳарни мудофаа қилишга ва ёвларга қаттиқ зарба беришга қарор қилди. Бу ишга раҳбарлик қилиш учун, косиб (наддоф) Абубакр Қалавий, Мавлоно Хурдаки тийрандоз ва минбарга чиқиб сўзлаган Мавлонозодаи Самарқандийлар белгиланди. Булар шаҳарни мудофаа этиш учун энг зарур бўлган чораларни тезлик блан кўрадилар. Ҳаракат бошлиқлари шаҳар аҳолисининг (тожик, турк ва бошқаларнинг) рўйхатини олдириб, йўлакларга побонлар қўйдилар. Шаҳарнинг катта кўчаларига баррикадалар ясаб, мўғул отлиқларининг йўлини тўсдилар. Шаҳар кўчаларининг ҳаммасига мерганлар қўйилди. Кишиларга уйларига бориш, ёки уруш вақтида ўз ихтиёри блан постини ташлаб кетиш қат'ий ман' қилинди. Баррикадаларнинг ости ва устидан туриб, мўғуллар блан сўзлашиш, қаттиқ ман' қилинди. Фақат шаҳарнинг биргина кўчасини очиқ қолдириб, мингтача одамни пистирмага қўйдилар. Ҳаракат бошлиқларининг ўзи беш юзтача одам блан кўчанинг охирига бориб, яшириниб турдилар. Шаҳар устидан „ғалаба қозонишга“ тўла ишонган мўғул аскарлари тўппа-тўғри бўшатиб қў-



йилган кўча блан, ҳаракат бошлиқлари турган жойга яқинлашабордилар. Ҳаракат раҳбарларининг махсус сигнали блан шаҳар мудофаачилари бирданига ҳар томондан мўғулларга ҳужум бошладилар. Қуроллилар ўз қуроллари блан жанг қилди, қуролсизлар эса, босқинчи мўғулларни калтак ва тошбўрон остига олди. Урушнинг биринчи кунядаёқ, мўғуллар уруш майдонида икки минггача улган ва ярадор бўлган аскарларини қолдириб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Шаҳарга иккинчи кун мўғуллар қайтадан ҳужум қилиб, умрида аскарликни кўрмаган тинч шаҳар аҳолисига қарши, кўчманчиларнинг бутун ҳарбий ҳунарини ва тактикаларини ишлатадилар. Шундай бўлсада, мудофаачилар зафар қозонади.

Шаҳар халқи Темур блан Ҳусайн аскарини енгиб чиққан мўғулларнинг ҳужумини тамомила тор-мор келтириб, ўз ватанини босқинчилардан ҳимоя қилабидилар. Мўғул ҳарбийлари мажоқланиб ташланди. Улар ҳарбий асбоб-анжомларидан ва уловларидан ажрадилар. Мўғул аскарларининг ўлимдан қутулиб қолган қисми шаҳар атрофини ваҳшийларча талаб, сўнгра қочди. Бирнеча йиллар давомида Мовароуннаҳр ва унинг аҳолисини муттасил талаб келган мўғулларга маҳаллий халқнинг шундай қаттиқ зарба бериши орқасида, улар иккинчи марта ҳатто Мовароуннаҳрнинг чегарасига ҳам яқинлашаолмадилар.

Темур тарихчиси Шарафиддин Али Яздий бу воқияни ёзганда, халқнинг ватан учун курашда аскарлар қаторида хизмат қилганлигини ва мамлакатни ҳарқандай ёвдан сақлаб қолиш аҳолининг қўлидан келиши мумкинлигини баён қилади: „Хукмдорлар қарамоғидаги аскар ва қўшинларнинг ҳаракатлари блангина бўладиган мулк муҳофизати ва душманга қаршилиқ кўрсатиш каби ишлар шаҳар аҳолисининг қўлидан келди... Шоҳона тантаналардан холи бўлиб ҳам голиб келган мард аҳоли, шунча жаррор аскарларга қарши бошма-бош турди ва душманнинг ҳужум ва мудофааларига қарши баробар келдики, уларнинг ғалаба ва истило қўллари бу шаҳар аҳолисининг номусига ва молларига етмади“.

Бу воқиа, подшоҳ бўлмаса мамлакатни мудофаа қилиш мумкин эмас, деган ва шарқда илгаридан ҳукм суриб келган қарашларнинг асоссизлигини фош қилди.

Мўғул аскарлари енгилиб, Мовароуннаҳрдан бутунлай узоқлашди. Ўз ватани учун бу ташқи душманга қарши курашда ғолиб чиққан Самарқанд аҳолиси ҳокимиятни ўз қўлига олгандан сўнг, сарбадорлик платформасида туриб, ўзининг ички душманларидан ўч олабошлайди. Шунинг учун бу ҳаракат тарихда „Сарбадорлар ҳаракати“ номи билан аталади. Сарбадорлар ҳаракати бир қиш давом этди.

---

## МҮНДАРИЖА

	Бет
Автордан . . . . .	3
Ўзбекистон халқларининг юнон-македониялилар ҳужумига қарши кураши . . . . .	6
Ўзбекистон халқларининг араблар ҳужумига қарши курашидан эпизодлар . . . . .	16
Ўзбекистон халқларининг мўғуллар ҳужумига қарши кураши .	30
Ўзбек халқининг ватан учун қилган курашларидан бир эпизод .	51

---

Баҳоси 2 с. 25 т.

*На узбекском языке*

АКАДЕМИЯ НАУК СССР — УЗБЕКИСТАНСКИЙ ФИЛИАЛ  
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ИСТОРИИ

---

Р. НАБИЕВ

БОРЬБА НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА  
ПРОТИВ ИНОЗЕМНЫХ ЗАХВАТЧИКОВ

---

ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗФАН ТАШКЕНТ—1942